



БУХОРО АҲЛИ БУНЁДКОРЛИК ЖАРАЁНЛАРИДА ДОИМО ОЛДИНГИ САФЛАРДА БЎЛГАН

Президент Шавкат Мирзиёев ҳудудлардаги бунёдкорлик ишлари, йирик лойиҳалар билан танишиш, халқ билан мулоқот қилиш мақсадида 12 октябрь куни Бухоро вилоятида бўлди.

Давлатимиз раҳбари вилоятга сафарини Баҳоуддин Нақшбанд мақбарасини зиёрат қилишдан бошлади.

Қуръон тиловат этилиб, Аллоҳ таолодан халқимизга тинчлик-фаровонлик тилаб дуо қилинди.

Уламолар билан суҳбатда илмнинг аҳамияти, ёшлар тарбияси ҳақида сўз борди.

— Бухоро азалдан илм, маънавият маркази. Қадимда бу ерда 30 дан ортиқ олий мадраса бўлган. Ҳеч қаердан бунча кўп уламо чиқмаган. Бугун ҳам ёшлар тарбиясида, жаҳолатга қарши маърифат билан курашишда Бухоронинг ўз ўрни бор, — деди Шавкат Мирзиёев.

Давлатимиз раҳбари зиёратгоҳларни ва уларга олиб борадиган йўллارни обод қилиш, ички туризмни ривожлантириш муҳимлигини таъкидлади.

— Зиёрат халқимизнинг аждодаларга бўлган ҳурматини, ёшлар дунёқарашини юксалтиришга хизмат қилади. Шунинг учун бу ерга бошқа ҳудудлардан янги йўналишлар очиб, ёшларни олиб келиш, билимини ошириш муҳим, — деди Президент.

Шавкат Мирзиёев Олот туманидаги “Мергантекс” масъулияти чекланган жамиятини бориб кўрди.

Давлатимиз раҳбари 2017 йилда ушбу корхона негизida пахта-тўқимачилик кластери тузиш лойиҳаси билан танишган эди. Шундан сўнг унинг фаолиятида туб бурилиш бўлди. 2018-2020 йилларда 22 миллион доллардан зиёд инвестиция жалб қилиниб, Германия, Япония, АҚШ, Бельгия ва Швейцариядан замонавий ускуналар келтириб ўрнатилди.

Бугун корхона пахта хомашёсига бирламчи ишлов беришдан тортиб тайёр кийим-кечак тикишгача бўлган барча жараёнларни қамраб олган улкан кластерга айланди. Бу ерда 880 киши ишламоқда. Кластер йилига 30 минг тонна пахта хомашёсини қайта ишлаш қувватига эга. Утган йили бу ерда жами 240 миллиард сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилиб, 6 миллион долларликдан зиёд экспорт қилинган.

— Бу катта ишларнинг биринчи натижалари. Лекин корхонадаги босқичлар ҳали охиргиси эмас. Энди кейинги босқичларни ўзлаштириб, инновацион технологияларни жорий этиб, қўшилган қийматли маҳсулотларни кўпайтиришга ҳаракат қилиш керак, — деди Шавкат Мирзиёев.

Келгуси йили кластерда табиий ва кимёвий толадан тайёр кийимлар ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш режалаштирилган. Қиймати 25 миллион доллар бўлган ушбу лойиҳа нати-

Ўзбекистон Республикаси Президентининг

Ф А Р М О Н И

“ЗАКОВАТ” ИНТЕЛЛЕКТУАЛ ҲЎЙИНИ ФАОЛ ИШТИРОКЧИЛАРИДАН БИР ГУРУҲИНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Мамлакатимизда ўсиб келаётган янги авлод вакилларига ҳар томонлама эътибор ва ғамхўрлик кўрсатиш, уларнинг эзгу интилишларини қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш, мустақил фикрлайдиган, зукко ва кенг дунёқарашга эга бўлган ўғил-қизларни тарбиялаш борасидаги ишларга давлат сиёсатининг энг муҳим ва устувор йўналиши сифатида алоҳида аҳамият берилмоқда.

Бугунги кунда Янги Ўзбекистон ёшлари ўз куч ва имкониятларини улкан ютуқ ва марраларга эришти йўлида сафарбар этиб, Ватанимиз тараққиётини юксалтириш, Учинчи Ренессанс пойдеворини яратиш борасида юксак азму шижоатини яққол намоён этмоқда.

Ўзининг юқори интеллектуал салоҳияти, иқтидор ва изланувчанлиги, ташаббускорлиги ва етакчилиги билан ёшларни чуқур билим олишга, илм-фан сирларини эгаллашга ундаб келаётгани, улар ўртасида соғлом илмий-маърифий рақобат муҳитини шакллантириш, китобхонликни тарғиб қилиш ва ривожлантириш, буюк аждодларимизга муносиб бўлган баркамол авлодни вояга етказишда фарзанд-

Ўзбекистон Республикаси Президентининг

Ф А Р М О Н И

“ЗАКОВАТ” ИНТЕЛЛЕКТУАЛ ҲЎЙИНИ ФАОЛ ИШТИРОКЧИЛАРИДАН БИР ГУРУҲИНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

ларимизга алоҳида ўрнат ва намуна бўлаётгани, “Заковат” интеллектуал клубининг қизгин ва муросасиз баҳсларида муваффақиятли иштирок этиб, ғолибликни қўлга киритгани ҳамда профессионал билимдонлар сафини кенгайтиришга катта ҳисса қўшаётгани учун қуйидагилар мукофотлансин:

“Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси” фахрий унвони билан

Абдуллаев Абдурасул Муминович — “Заковат” интеллектуал клуби” нодавлат нотижорат ташкилоти директори

“Келажак бунёдкори” медали билан

Жуманов Бехзод Турсунбаевич — Гурлан туманидаги 10-умумий ўрта таълим мактабининг тарих фани ўқитувчиси, Хоразм вилояти

Ходжаев Навруз Азаматович — Урганч шаҳридаги яқка тартибдаги тадбиркор, Хоразм вилояти

Сизлар қанчалик билимли бўлсангиз, бошлаган ишларимиз самарали бўлади, давлатимиз шунча ривожланади. Таълим ва муаллимларга доимий эътибор қаратамиз, — деди Шавкат Мирзиёев.

Шу ерда халқаро математика мактабининг тажрибасини оммалаштириш, IT мутахассислар тайёрлашга доир лойиҳалар тақдимот қилинди.

Президент Шавкат Мирзиёев Қорақўл туманидаги Ҳўжалар маҳалласида аҳолининг яшаш тарзи билан танишди.

Маҳалла Қорақўл тумани марказида жойлашган бўлиб, 2 минг 800 нафардан зиёд аҳоли яшайди. Бу ерда қўллаб қавдо шохобчалари, тўқимачилик корхоналари бор.

Давлатимиз раҳбари шу маҳаллада яшовчи Соҳиб Ҳўжамбердиев хонадонида меҳмон бўлди.

Оила бошлиғи тадбиркор. Турмуш ўртоғи Дилоромхон билан икки фарзандни тарбиялаб, вояга етказган. Улар маҳалладаги намунали оилалардан. Томорқада ва кичик иссиқхонада полиз маҳсулотлари етиштирилади. Чорва ва парранда рўзгорга барака киритади.

Хонадон соҳиблари билан мамлакатимиздаги тинчлик, бугунги имкониятлар, ислохотлар натижаси ҳақида савимий суҳбат бўлди.

Маҳалла нурунийлари юртимизга кут-барака ва фаровонлик тилаб дуо қилди.

Ромитан туманидаги “Bukhara Desert Oasis” номли туризм масканида “Заковат” интеллектуал ўйинининг финал босқичи бўлиб ўтди.

Бу ерга Ўзбекистон Республикаси Президентини Шавкат Мирзиёев ташриф буюриб, баҳсни кузатди.

Финалда Хоразм ва Навоий вилояти жамоалари ўйнади. Яқунда хоразмликлар ғолиб бўлди.

Тадбир сўнггида Президент Шавкат Мирзиёев нутқ сўзлади.

— Сизларнинг мана шундай жўшқинлигингиз, билимга интилишингиз учун ташақкур айтаман, — деди давлат раҳбари. — Биз кейинги йилларда таълимга алоҳида эътибор қаратиб, қарорлар қабул қилганимиз, китоб ўқишни рағбатлантирганимиз натижасини бугунги ёшларда кўриб, қувонаман. Мен сизлар билан фахрланаман!

Президент ушбу мусобақа Бухорода ўтаётганига алоҳида урғу берди. Бу заминдан Имом Бухорий, Ибн Сино, Абдуҳолик Ғиждувоний, Баҳоуддин Нақшбанд, Мўхаммад Наршахий, Абдурауф Фитрат каби кўплаб буюк алломалар етишиб чиққанини қайд

Ўзбекистон Республикаси Президентининг

Ф А Р М О Н И

“ЗАКОВАТ” ИНТЕЛЛЕКТУАЛ ҲЎЙИНИ ФАОЛ ИШТИРОКЧИЛАРИДАН БИР ГУРУҲИНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Ходжаев Ферузбек Кахрамон ўғли — “Ишонч” дўконлар тармоғининг Хива филиали бошқарувчиси, Хоразм вилояти

“Шуҳрат” медали билан

Маткаримов Азамат Хурматович — Хива шаҳридаги Президент мактабининг информатика фани ўқитувчиси, Хоразм вилояти

Тажиев Жамоладдин Нураевич — Хива шаҳридаги яқка тартибдаги тадбиркор, Хоразм вилояти

Ҳасанов Шодлик Бекпўлатович — Хоразм Маъмун академияси раисининг илмий ишлар бўйича ўринбосари, Хоразм вилояти

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри, 2021 йил 12 октябрь

Газетамизнинг бугунги сонида сайловолди ташвиқоти доирасида Ўзбекистон Халқ демократик партиясидан Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод Мақсуда Ворисованинг сайловолди ташвиқотига бағишланган мақолалар чоп этилмоқда.
Мазкур мақолалар Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодларга сайловолди ташвиқоти учун ажратилган бепул нашр майдони доирасида эълон қилинмоқда.

2-бетга қаранг

САЙЛОВ УЧАСТКАЛАРИДА ХАЛҚИМИЗ ЎЗ ХОҲИШ-ИРОДАСИНИ НАМОЙИШ ЭТИШИ УЧУН БАРЧА ШАРОИТЛАР ЯРАТИЛГАН

Шу йил 24 октябрь куни бўлиб ўтадиган Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига тайёргарликнинг ташкилий-ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий, маънавий-маърифий йўналишлари ҳақида сўз юритганда, **биринчи навбатда, сайлов қонунчилиги ва унга киритилган муҳим ўзгаришларни айтиш лозим бўлади.**

Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг 21-моддасида ҳар бир инсон бевоcита ёки эркин сайланган вакиллар орқали ўз мамлакатини бошқаришда қатнашиш, давлат хизматига қиришда тенг ҳуқуққа эгаллиги белгиланган. Шунингдек, халқ иродаси ҳокимиятнинг асоси бўлиши, бу ирода

Давоми 3-бетда

ТАРАҚҚИЁТ МЕЗОНЛАРИ ЕВРОБОНДЛАРНИ ЛОНДОН БИРЖАСИГА ЖОЙЛАШТИРИШ ИМКОНИЯТИГА ЭГАМИЗ



Мамлакатимизда 430 та каттаю кичик дарё мавжуд. Уларнинг умумий узунлиги 12,7 минг километрни ташкил этади. Ана шу сув артерияларига гидроэлектр станциялар қуриш орқали электр энергияси қувватлари ҳосил қилиш муҳим масалалар сирасига кирadi. Германиянинг “Tractabel Engineering GmbH” компанияси томонидан мамлакатимизнинг гидроэнергетик салоҳияти ўрганилиб, умумий қуввати 676 МВтга тенг бўлган 80 та истиқболли лойиҳа мавжудлиги аниқланган. Демак, соҳанинг келажак имкониятлари катта. “Ўзбекгидроэнерго” АЖ бошқаруви раиси, Олий Мажлис Сенати аъзоси Абдуғани САНГИНОВ билан суҳбатда асосий эътибор бугунги кунда аҳоли хонадонларини чарогон этиш, ишлаб чиқарувчиларни узлуксиз электр энергияси билан кафолатли таъминлашга қаратилган дастурларнинг моҳиятига қаратилди.

Давоми 4-бетда

Ўзбекистонда азал-азалдан жамоатчилик ва фуқаролик институтлари, асосан, ўзини ўзи бошқариш органлари — маҳаллалар кўринишида намоён бўлган. Бугунги кунда юртимизда халқаро ҳуқуқнинг умумқабул қилинган тамойиллари ва меъёрларига тўла жавоб бера оладиган ҳамда нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамияти бошқа институтларининг фаолиятини самарали ташкил этишга зарур шароитлар яратишга қаратилган қонунчилик базаси яратилган.



ДАВЛАТ БОШҚАРУВИДА ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ ИНСТИТУТЛАРИНИНГ ИШТИРОКИ МУҲИМ МАСАЛА



Бунинг самараси ўлароқ, фуқаролик жамияти институтлари давлат органларининг нафақат ижтимоий шериги, ҳамкори, балки уларнинг фаолияти устидан жамоатчилик назоратини амалга оширувчи тузилмага ҳам айланмоқда.

Албатта, бу фуқароларнинг жамият ва давлат ишларини бошқаришда иштирок этишига оид конституциявий ҳуқуқларини рўйбга чиқариш, давлат органлари фаолиятининг очиқлиги ва шаффофлигини таъминлаш, мансабдор шахсларнинг жамият олдидаги масъулиятини кучайтирмоқда. Шу мақсадда 2018 йилда “Жамоатчилик назорати тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни қабул қилинди. Шунингдек, “Мамлакатни демократик янгилаш жараёнида фуқаролик жамияти институтларининг ролини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Президент Фармони ва “Мамлакатимизда ижтимоий-иқтисодий соҳадаги ислохотлар устидан жамоатчилик назорати самарадорлигини, шунингдек, фуқароларнинг демократик ўзгартиришлардаги фаоллигини оширишга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарори қабул қилинган бўлиб, улар фуқаролик жамияти институтларининг жамиятдаги ролини оширишга хизмат қилмоқда.

Натижада, амалиётда жамоатчилик вакиллари томонидан мансабдор шахслар фаолияти устидан назоратнинг турли янги замонавий шакллари аниқлашган ўтиди. Бугунги кунда ҳар бир мансабдор шахсининг ноҳўя хатти-ҳаракати жамиятда, шунингдек, ижтимоий тармоқларда кенг муҳокама қилинмоқда. Турли теледастур ва ток-шоулар орқали аҳоли ўз муаммоларини тўғридан-тўғри мансабдор шахслар олдида қўймоқда. Натижада давлат органлари барча учун очиқ тузилмага айланиши бошлади, уларнинг фаолияти ҳақиқий жамоатчилик назорати остига тушмоқда.

Ўзбекистон Халқ демократик партияси мазкур ислохотларни қўллаб-қувватлайди ва мамлакатимизда эркин фуқаролик жамиятини янада ривожлантириш тарафдоридир. Ушбу мақсадда аҳоли муаммоларини ҳал этишнинг энг самарали ва адолатли шакли сифатида маҳалла тизимини ривожлантириш, маъмурий, ижтимоий, маданий ва бошқа масалаларни ҳал этишда унинг тўлиқ иштирокини таъминлаш лозим.

Бугун маҳалланинг вазифа ва функциялари кенгаймоқда, худудлардаги ижтимоий-маънавий муҳит барқарорлигини таъминлашда уларга катта ишонч билдириляпти. Шунга монанд тизим фаолиятини тартибга солувчи янги ҳуқуқий асослар ҳам яратилмоқда. Бироқ мурожаатлар билан ишлаш, аҳоли муаммоларини аниқлаш ва ҳал этиш бўйича айрим масалалар бор. Худудларда ижро органларининг аҳоли билан яқин ва ҳамжиҳатликда ишлашини

таъминлаш борасидаги саяё-ҳаракатларни янада кучайтириш даркор.

Тан олиш керак, авваллари фуқаролар йиғинларидаги жамоатчилик комиссиялари номигагина фаолият юритарди. Маҳаллаларга бириктирилган давлат ва нодавлат ташкилотлари вакиллари турли комиссияларга аъзо бўлса-да, комиссия йиғилишларида деярли қатнашмасди. Ҳисоботлар юзаси тайёрланарди. Уларнинг фаолиятини мониторинг қилувчи, тақомиллаштирувчи аниқ механизм мавжуд эмас эди.

Охириги беш йилда маҳалла институти тубдан тақомиллаштирилди, аҳоли муаммоларини аниқлаш ва ҳал этиш бўйича “маҳалла — сектор — Халқ қабулхонаси — маҳалла” тамойили асосида самарали ҳамкорлик тизими яратилди. Маҳаллани халқ билан давлат ўртасида ишончли “кўприк” бўлишини амалда таъминлаш, оила ва хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш борасида комплекс чора-тадбирлар амалга оширилди.



Аҳоли, хусусан, партияимиз электорати томонидан “маҳаллабай” ишлаш тизимининг амалиётга жорий этилиши ва аҳолининг тадбиркорлик ташаббусларини янада қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари, “темир дафтар”, “аёллар дафтари”, “ёшлар дафтари” ва “меҳр дафтари” қабиларнинг ҳаётга татбиқ этилиши ижобий баҳоланмоқда. Ушбу тизимни аниқлаш, энг долзарб бўлган ишсизлик ва камбағалликни бартараф этишнинг ноёб, илғор ва самарали услуби, деб биламиз.

Бир сўз билан айтганда, маҳалла институтининг жамиятдаги роли ва аҳамияти кучайди, аҳоли ва фуқаролик жамияти институтларининг маҳаллага бўлган муносабати ҳам ижобий томонга ўзгарди.

Ўзбекистон ХДП жамиятда, давлат бошқарувида фуқаролик жамияти институтларининг иштироки муҳим вазифа, деб санаган ҳолда, бир қатор тақлифларни илгари сурмоқда. Хусусан, қабул қилинаётган қонунлар ва қонун ҳужжатлари, давлат бошқаруви ор-

ганлари фаолияти натижаларини ошқорлаш ва конструктив муҳокама этишда фуқаролик жамияти институтлари иштирокини кенгайтириш тақлифи илгари сурилмоқда. Бу қонунларнинг турлича талқин қилиниши ҳолатларини қамайтиради, давлат бошқарувида очиқлик ва ошқоралик тамойилларини кенгайтиради.

Давлат органлари ва фуқаролик жамияти институтлари ўртасидаги ижтимоий ҳамда давлат-хусусий шериклик амалиётини кенг ривожлантириш тақлифини Сайловолди дастурида илгари сурганмиз. Масалан, шериклик амалиёти орқали аҳолини иш билан таъминлашнинг муҳим йўналиши сифатида фуқаролик жамияти институтларининг кичик ва оилавий бизнес, хусусий тадбиркорлик ва касаначилик ҳамда халқ хунармандчилигини ривожлантириш бўйича мамлакатимизда амалга оширилаётган комплекс чора-тадбирлардаги иштирокини фаоллаштириш мумкин.

Иккинчидан, ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзи тамойилларини қарор топтириш, ёшларда соғлом ва мустақкам оила қуришга интилишни шакллантириш ҳамда ташқаридан кириб келувчи “оммавий маданият” таҳдидлари ва таъсирларидан асраб қолишга доир комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш бўлади.



Учинчидан, ногиронларга таълим бериш ва тарбиялаш учун қулай шароитлар яратиш, уларни ҳар хил касбларга ўқитиш, ҳуқуқий билимини ошириш, уларнинг жамиятлари ва уюшмаларини моддий-техник жиҳатдан мустаҳкамлаш, аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламлари қўллаб-қувватлаш борасидаги амалга оширилаётган ишларни янада кучайтириш ва самарасини оширишимиз керак.

ИНСОННИНГ ФУҚАРОЛИК ДАРАЖАСИНИНГ ЮҚОРИЛИГИ НАФАҚАТ ЎЗ ФУҚАРОЛИК ҲУҚУҚЛАРИНИ БИЛИШИ ВА УЛАРНИ ОНГЛИ РАВИШДА АМАЛГА ОШИРИШИ, БАЛКИ УНИНГ МУҲИМ ФУҚАРОЛИК БУРЧ ВА МАСЪУЛИЯТНИ ЎЗ ЗИММАСИГА ОЛИШИГА ҚАРАБ БЕЛГИЛАНАДИ.

ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИНИ ШАКЛЛАНТИРИШНИНГ УСТУВОР ВАЗИФАЛАРИ



Ўзбекистон Халқ демократик партиясидан Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод Мақсуда Ворисованинг Сайловолди дастурида ўз аксини топган устувор йўналишлардан бири мамлакатимизда эркин фуқаролик жамиятини шакллантиришдир.

Айни дамда, фуқаролик жамияти — бу турли ижтимоий институтлар йиғиндиси эмас, **фуқаролик маданияти ривожланган** инсонлар жамоасидир. Бу даражадаги маданиятнинг юзага келиши фуқаролик жамиятини шакллантиришнинг муҳим ва мураккаб вазифаларидан биридир.

Демократик жамиятнинг фуқаролик маданияти алоҳида шахслар ва гуруҳларнинг эркин танланган фаолиятдан шаклланади. Эркин жамиятдаги инсонлар ўз манфаатларини қондиришга интиладилар, ўз ҳуқуқларидан фойдаланадилар ва ўз ҳаётлари учун масъулиятни ўз зиммаларига оладилар. Улар қаерда ишлаш, қандай фаолият билан шуғулланиш, қаерда яшаш, сиёсий партияга аъзо бўлиш ва шу қабилар тўғрисида ўзлари қарор қабул қиладилар. Булар шахсий қарорлар бўлса-да, улар умум-фуқаролик аҳамиятига эгадир.

Айни дамда, инсоннинг фуқаролик даражасининг юқорилиги нафақат ўз **фуқаролик ҳуқуқларини** билиши ва уларни онгли равишда амалга ошириши, балки унинг муҳим **фуқаролик бурч ва масъулиятини** ўз зиммасига олишига қараб белгиланади. Фуқаролар жамият олдида турган муҳим муаммоларнинг моҳиятидан хабардор бўлишлари ва танланган ҳуқуқат органларига номзодларга овоз бериш учун ўзларининг фаол сайлов ҳуқуқидан масъулият билан фойдаланишлари лозим.

Бу моҳиятан ривожланган фуқаролик жамияти шаклланишининг асосий маъносидир. Жамият инсоннинг фундаментал ҳуқуқлари ва эркинликларига амал қилиш учун зарур кафолатларни яратган ҳолда, шахсий ва умумий фаровонликка эришиш учун ўз фуқаролик ҳуқуқларини онгли ва масъулиятли амалга оширадиган фаол фуқароларни шакллантиради.

Жамият аъзоларида фаол фуқаролик позициясини шакллантириш учун нима зарур?

Маълумки, **ҳар бир инсоннинг биринчи даражаси ҳаётий манфаатлари ва эҳтиёжлари шакллантириш** **даражаси** — инсоннинг ахлоқини белгилайдиган муҳим омиллардан биридир.

Аваламбор, бу — **коммунал ва моддий манфаатларда** — уй-жой билан таъминланганлик, сифатли озиқ-овқат, зарур уй-рўзгор буюмлари, қийим-кечак, пойабзал, сифатли коммунал хизматларга бўлган эҳтиёжларини қондириш учун етарли даромад даражаси.

Ижтимоий манфаатлар ҳам бевосита шу билан боғлиқ. Таълим олиш, касб эгаллаш, маалаки тиббий ёрдам олиш, етарли даражадаги ижтимоий сугурта ва ижтимоий таъминот шулар жумласидандир.

Иқтисодий манфаатлар ҳам фуқаролик фаоллиги учун муҳим аҳамиятга эга — тегишли маълумот, малакага мос келадиган ва муносиб иш ҳақини таъминловчи бандлик даражаси, шахсий иқтисодий фаоллигини рўйбга чиқариш имконияти ва ҳоказолар.

Одатда, инсон ушбу барча эҳтиёжлари ва манфаатларини тўлақонли қондиришдан сўнггина, ўз фуқаролик позицияси ҳақида уйлайди ва турли фуқаролик институтлари орқали уни намоийш эта бошлайди.

Шундай қилиб, фуқаролик жамиятини шакллантириш вазифалари **кучли ижтимоий сиёсат** юритиш ва **ижтимоий йўналтирилган иқтисодий** шакллантириш билан чамбарчас боғлиқ ҳолда ҳал этилиши керак.

Ривожланган демократик давлатлар тажрибаси шунга кўрсатмоқдаки, **ўрта синф** уларда тарихан шаклланган фуқаролик жамиятининг табиий асосини ташкил этади. Жамиятнинг ижтимоий тузилмасида унинг устун (учдан икки қисми ёки ундан кўп) бўлиши аксарият Европа мамлакатларининг тинч ва барқарор ривожланишининг ишончли кафолатидир.

Ўрта синф ҳақида гапирганда, бизда уни кичик ва ўрта бизнес, хусусий тадбиркорлик вакиллари билан ташкил топади деб ҳисоблашади. Бироқ бу тўғри эмас. Айни пайтда, Бутунжаҳон банкининг таснифига кўра, иш ҳақи даражаси яшаш минимумидан 1,5 баравар юқори бўлмаган барқарор иш ўринларида банд бўлган ходимлар ҳам бу синфга киради.

Бироқ қашшоқлиқни енгиш, кам таъминланган аҳоли қатламларини ўрта синфга қўйириш ўз-ўзидан фуқаролик маданияти ва фуқаролик фаоллигини шакллантириш масаласини ҳал қила олмайди.

Бу масалаларда инсонларнинг ижтимоий манфаатларига жавоб берадиган ижтимоий ва иқтисодий муҳим вазифаларни ҳал қилишда **фуқаролик иштироки**нинг турли шакллари ривожлантириш муҳим аҳамиятга эга.

Ушбу вазифани ҳал қилишнинг самарали йўналишларидан бири — ҳокимиятнинг вакиллик органлари ва фуқароларнинг ўз-ўзини бошқариш органларига “**ижтимоий диагностика**”нинг замонавий усуллари жорий этишдир. Бу аҳолининг ижтимоий кайфиятига таъсир кўрсатадиган муаммоларни эрта аниқлаш имконини беради. Инсонларни жамоатчилик муҳокамаси ва тегишли вазифаларни ҳал қилиш йўллари жамоатчилик экспертизасидан ўтказиш жараёنларига бевосита жалб қилиш эса уларнинг конструктив фуқаролик фаоллигини ривожлантиришга ёрдам беради.

Бу ўринда, шунингдек, мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётида ёшларнинг фаол иштирокини таъминлаш ҳам муҳим аҳамиятга эга.

Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод Мақсуда Ворисованинг Сайловолди дастуридаги тегишли устувор вазифалар эркин фуқаролик жамиятини шакллантириш вазифаларини айнан шу позициялардан келиб чиққан ҳолда, ҳал қилишга қаратилган.

Михаил ЕЛЬШОВ,
Ўзбекистон ХДП МКнинг
бош маслаҳатчиси



ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИДАН НОМЗОД МАҚСУДА ВОРИСОВАГА ОВОЗ БЕРИНГ!

ҚОНУНЧИЛИКДАГИ ЯНГИЛИК

“ЯРАШУВ ИНСТИТУТИ”, ПРОФИЛАКТИКА ИНСПЕКТОРЛАРИНИНГ ЯНГИ ВАКОЛАТЛАРИ — ИНСОНПАРВАРЛИК ТАМОЙИЛИ АСОСИ

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Коррупцияга қарши курашиш ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси аъзоси, юридик фанлар номзоди Мухтабар ҲУСАНОВА, Ички ишлар вазирлиги ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бош бошқармаси бошлиғи, полковник Бахтиёр БЕРДИАЛИЕВ билан суҳбат қонунчилигимиздаги ана шундай муҳим ўзгаришлар, уларнинг инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашда тўғри хусусида бўлди.

— Суҳбатимиз аввалида қонунчилигимизда жорий этилаётган “Ярашув институти”нинг мазмун-моҳияти, аҳамияти ҳақида тўхталиб ўтсангиз.



Мухтабар ҲУСАНОВА:
— Миллий ҳуқуқий тизимимизда низоларни ҳал қилишнинг янги механизмлари жорий қилинаётгани, жиноят қонунчилигида ярашув институти самарали қўлланиб келинаётгани жамиятимизда ўзаро меҳр-оқибат муҳитини мустаҳкамлаш, инсонпарварлик тамойилини кучайтиришга хизмат қилмоқда. Ушбу ислохотларнинг давоми сифатида юқорида қайд этилган янги қонун билан Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга “Ярашув институти” жорий этилмоқда. Унга кўра, 12 турдаги маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этган шахс ўз айбига иқдор бўлса, жабрланувчи билан ярашса ва етказилган зарарни бартараф этса, суд уни маъмурий жавобгарликдан озод этиб ишни тугатиши мумкин бўлади.

Шу ўринда айтиш кераки, эр-хотин, қариндош-уруғ, қўни-қўшни, таниш-билишлар ўртасида ўзаро келишмовчилик рўй бериши ҳаётда учраб туради. Ҳуқуқни қўллаш амалиётида, шу вақтгача, фуқароларнинг мол-мулкига зиён етказиш билан боғлиқ бўлган ёхуд биринчи марта маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этган шахс томонидан ўз вақтида жабрланувчига етказилган моддий ва маънавий зарар қўпланганида, содир этган қилмишидан чин кўнгилдан пушаймон бўлганида ҳамда жабрланувчи билан ярашган тақдирда ҳам унга нисбатан “Ярашув институти”ни қўллаган ҳолда, маъмурий жавобгарликдан озод қилиш механизми мавжуд бўлмаган. Табиийки, бу яқин инсонлар ўртасида адоват давом этишига, уларнинг орасига совуқчилик тушишига сабаб бўларди.

Мисол учун, Андижон вилояти Шахрихон туманида яшовчи икки қўшни ўртасида келишмовчилик туфайли бири иккинчисига енгил тан жароҳати етказди. Бу ҳуқуқбузарлик юзасидан профилактика инспектори маъмурий иш ҳужжатларини тўплаб, тан жароҳати етказган қўшнига қонуний чора кўриш учун туман судига юборди. Бирок бироз вақт ўтиб, иккинчи тараф ўзаро ярашгани, жабр етказган шахсга нисбатан ҳеч қандай даввоси йўқлиги, қўшнilar ўртасида дўстона муҳитни асраб қолиш учун суд мажлисида иштирок этмаслигини билдириб илтимоснома ёзган. Шунга қарамай, профилактика инспектори уларни суд мажлисига юборишга мажбур бўлган. Бу ҳолатга қўшнilar тараф эътироз билдирган. Бу фуқароларда ички ишлар органларига нисбатан ишонсизлик ҳиссини уйғотишга ҳам сабаб бўлаётгани бор ҳақиқат эди.

Статистик маълумотларга кўра, жорий йилнинг 8 ойида 11 минг 477 та маъмурий ҳуқуқбузарлик айнан оилада, яъни эр-хотин, қайнона-келиндар ўртасида содир бўлиб, уларнинг барчаси, яраштирув институти мавжуд бўлмагани боис, ҳудудий профилактика инспекторлари томонидан маъмурий баённомалар тузилиб судларга юборилган. Эндиликда қонунчилигимизда “Ярашув институти”нинг жорий этилиши юқоридаги каби ҳолатларнинг олдини олади, ортиқча овозагарчиликка чек қўяди. Қолаверса, эр-хотин, яқин қариндошлар, қўни-қўшнilar ўртасидаги келишмовчилик ўзаро адоватга айланиб кетишининг олди олинади, оила-турмуш муносабатлари доирасида ҳуқуқбузарликлар камайишига эришилади.

— Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга киритилган ўзгаришга мувофиқ, бир қатор маъмурий ҳуқуқбузарликларни кўриб чиқиш ҳудудий профилактика инспекторларига ҳам юклатилди. Ушбу янгиликни ҳаётга татбиқ этишнинг ҳуқуқий механизмлари ва қутилиётган натижалар ҳақида сўзлаб берсангиз.

Бахтиёр БЕРДИАЛИЕВ:
— Дарҳақиқат, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга киритилган 8 турдаги маъмурий ҳуқуқбузарликларни кўриб чиқиш судлар ваколатидан, 3 та маъмурий ҳуқуқбузарликлар эса ИИБ Давлат йўл ҳаракати хавфсизлиги ходимларининг ваколатидан чиқарилган ҳолда ҳудудий профилактика инспекторларига ҳам берилди. Эндиликда профилактика инспекторлари Ўзбекистон Республикаси МЖТК 47-моддасининг 1-қисми (болаларни тарбиялаш ва уларга таълим бериш борасидаги мажбуриятларни бажармаслик), 47-моддаси (ниҳоят ёши тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузиш), 148-моддаси

“**ҲУҚУҚБУЗАР ЎЗ АЙБИГА ИҚДОР БЎЛИБ, СОДИР ЭТГАН ҚОЙДАБУЗАРЛИГИ УЧУН БЕЛГИЛАНГАН ЖАРИМАНИ СУДГАЧА БЎЛГАН БОСҚИЧДА ТЎЛАШ ИСТАГИНИ БИЛДИРСА, ОРТИҚЧА ОВОРАГАРЧИЛИКНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШ МАҚСАДИДА ШАРОИТ ЯРАТИЛИШИНING ҲУҚУҚИЙ МЕХАНИЗМЛАРИ ҚОНУНЧИЛИК БИЛАН МУСТАҲКАМЛАНМОҚДА.**

(темир йўллар ва автомобиль йўллари учун ажратилган минтақаларни муҳофаза қилиш қоидаларини бузиш), 188-моддаси (войега етмаган шахсни ғайришаръий ҳатти-ҳаракатларга жалб қилиш), 188-моддаси (войега етмаган шахснинг кўнгул очили, дам олиш жойларида тунги вақтда бўлишга йўл қўйиш) судлар ваколатидан, қолган 3 та модда, яъни 114-модда (темир йўл транспорти воситаларидан фойдаланиш қоидаларини бузиш), 128-модда (транспорт воситалари ҳайдовчиларининг тўхташ ёки тўхтаб туриш қоидаларини бузиш) ва 147-модда-нинг 1-қисми (йўлларга, йўл иншоотларига йўл ҳаракатини тартибга солиб турувчи техник воситаларга шикаст етказиш, уларни сақлаш қоидаларини бузиш) каби маъмурий ҳуқуқбузарликлар бўйича жавобгарлик белгилаш йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати ходимларида ҳам сақланган ҳолда, уларга маҳалла профилактика инспекторлари ҳам қонуний чора кўриш ваколатига эга бўлди. Бу жойлардаги ходимларимизнинг масъулиятини ошириш билан бир қаторда, ҳудудларда тартиб-интизомни сақлаш, турли кўнгилсизликларнинг олдини олишга хизмат қилади.

Эндиликда профилактика инспекторлари жами 24 та маъмурий ҳуқуқбузарлик бўйича жойида қонуний чора кўриш институтини қўллашга ҳақли бўлди. Шу ўринда савол туғилиши мумкин: агар ҳуқуқбузар фуқаро профилактика инспекторининг ушбу қароридан норози бўлса қаерга шикоят қилади? Албатта, бу турдаги шикоят маъмурий ишлар бўйича судга юборилади ва суд ишни кўриб чиқади.

Шу билан бирга, ҳуқуқбузар ўз айбига иқдор бўлиб, содир этган қоидабузарлиги учун белгиланган жаримани судгача бўлган бошқичда тўлаш истагини билдирса, ортиқча овозагарчиликнинг олдини олиш мақсадида шароит яратилишининг ҳуқуқий механизмлари қонунчилик билан мустаҳкамланмоқда.

Мисол учун, Қашқадарё вилоятининг Деҳқон-обод тумани Ойбек маҳалласини олайлик. Маҳалладаги фуқаро болаларини тарбиялаш ва уларга таълим бериш борасидаги мажбуриятларини бажармаслик ҳуқуқбузарлигини содир этди дейлик. Мазкур ҳолат юзасидан МЖТКнинг 47-моддаси 1-қисми билан базавий ҳисоблаш миқдорининг 1 баробаридан 5 баробаригача (270 минг сўмдан 1 миллион 350 минг сўмгача) жарима жазоси белгиланади. Мазкур ҳуқуқбузар-



лик ҳолати бўйича жараён иштирокчиларининг камиди 4 нафари Вояга етмаганлар бўйича комиссияга ҳамда судга қатнаши керак. Бу комиссия эса, маҳалладан 200 километр узоқликда, туман ҳокимлиги биносига жойлашган. Демак фуқаролар йўл қира сарф қилиши, ортиқча овозагарчилик бўлиши ҳисобга олинса, ушбу қонуннинг аҳамияти янада аниқ бўлади.

Яна бир муаммо — маҳалларда йўл-парул хизмати ходимларининг штат бирликлари камлиги туфайли транспорт воситалари ҳайдовчиларининг тўхташ ёки тўхтаб туриш қоидаларини бузиш каби маъмурий ҳуқуқбузарликлари деярли аниқланмай қолмоқда. Эндиликда мазкур қоидабузарликлар айнан маҳал-

лада хизмат олиб боруви профилактика инспекторларига ҳам берилиши тўғрисидаги норма қонунчиликка киритилди. Бу йўл ҳаракати хавфсизлиги қоидаларига риоя этилишини кучайтириш, ўз навбатида, ҳайдовчиларнинг огоҳлик ва ҳушёрлигини оширишда муҳим аҳамиятга эга.

— **Айтинг-чи, профилактика инспекторларининг йўл ҳаракати хавфсизлиги қоидалари ва бошқа маъмурий ҳуқуқбузарликлар юзасидан жарима ундириш ваколатига эга бўлиши коррупция ҳолатларини юзага келтирмайдими?**

Бахтиёр БЕРДИАЛИЕВ:
— Қонун лойиҳаси муҳокамаси жараёнида бу савол депутатлар ва мутахассислар ўртасида қизгин баҳс-мунозараларга сабаб бўлди. Шу боис, бу жараёнда манфаатлар тўқнашуви ва коррупция ҳолатларининг олдини олиш борасида мустаҳкам амалий механизми яратишга жиддий эътибор қаратилди. Яъни барча маъмурий баённомалар электрон шаклда тузилади ва ИИБда ташкил этилган “Биллинг” электрон тўлов тизими орқали назорат қилинади.

Дарҳақиқат, бу тизим қандай амалга оширилади, деган савол туғилиши табиий. Профилактика инспектори ҳуқуқбузар қарорни эълон қилгуд, унга нисбатан эътироз бўлмаса, фуқаро мавжуд электрон тўлов тизимлари орқали тўлаши учун махсус кодли рақам берилади. Шу рақам орқали инсталланган электрон тизимлар, банкоматлар орқали пул ўтказилади. Агар жарима 15 кун ичида тўланса, жариманинг 30 фоизи ҳуқуқбузар фойдасига чегирилиши бўйича телефонига хабарнома жўнатилади. ИИБ жарима тўланган ёки тўланмаганини онлайн кузатиб боради. Агарда ҳуқуқбузар иш судга оширилишини истаса, маъмурий ишлар бўйича судга юбориш билан бу жараён якунланади.

Бир сўз билан айтганда, қонунчиликка киритилган бундай янгиликлар, аввало, инсон манфаатини, ҳуқуқ ва эркинликларини кафолатлаш мақсадида ҳаётга татбиқ этилмоқда. Бу чора-тадбирлар жамиятимизда ҳуқуқий ислохотларни янада либераллаштириш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, фуқароларнинг қонун олдидаги бурч ва масъулиятини ошириш, шу билан бирга, ҳақ-ҳуқуқларини муҳофазалашда муҳим дастуруламал бўлиб хизмат қилади.

“Янги Ўзбекистон” мухбири Баҳор ХИДИРОВА суҳбатлашди.

Йўриқномага мувофиқ, сайлов округлари ва участкаларида, овоз бериш хоналарида ҳаротини ўлчаш учун термометр, пирометр, химоя ниқоби билан таъминланган, сайлов комиссияси аъзолари бир марталик тиббий қўлқоп, антисептик суюқлик каби химоя ва профилактика воситаларидан фойдаланиши белгиланган. COVID-19 тарқалиши хавфини камайтириш чоралари ижтимоий масофани сақлаш билан таъминланади. Шунингдек, сайлов жараёни иштирокчилари химоя ниқобларидан фойдаланиши, қўл бериб саломлашиш ёки тўғридан-тўғри мулоқотда киришишининг бошқа шаклларида сақланиши зарур.

Овоз бериш биносининг кириш қисмида коронавирус инфекцияси тарқалишининг олдини олиш бўйича тавсиялар ақс этган плакатларни жойлаштирилиб, телевидение,

САЙЛОВ ОКРУГЛАРИДА

САЙЛОВГА ТАЙЁРГАРЛИК ХАЛҚАРО КУЗАТУВЧИЛАР НИГОҲИДА

МДХ сайловларни кузатиш миссияси штаби бошлиғи Евгений Козяк Нурафшон шаҳридаги 10-Тошкент вилояти округ сайлов комиссиясида бўлиб, Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига тайёргарлик жараёни билан танишди. Бу бўйича округ сайлов комиссияси раиси Маҳмуд Болтабоев маълумот берди.

Қайд этилганидек, ҳозир вилоят бўйича 963 та сайлов участкаси фаолият кўрсатади. Барча сайлов участкалари сайловга оид қонун ва бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар, зарур ахборот-коммуникация воситалари билан таъминланди. Жисмоний ҳаракати чекланган фуқаролар учун сайлов участкаларига киришда нишаб йўлақлар (пандус) барпо этилди. Тошкент вилояти бўйича участка сайлов комиссиялари аъзолари умумий сони 12 минг 386 нафарни ташкил этмоқда. Уларнинг таркиби шакллантирилганда куп миллатлиликка ҳам алоҳида эътибор берилди.

Тарғибот ишларини олиб бориш мақсадида қақурув плакатлари, сайловга оид



радио, газеталар, ахборот-коммуникация технологиялари воситасида аҳолига тушунтириш ишлари олиб борилади.

Коронавирус инфекциясидан стационар даволаш муассасаларида даволанаётганлар ва ушбу масканларнинг ишчи-ходими бўлган сайловчиларнинг овоз беришини ташкил этиш учун бу ерда ҳам сайлов участкалари тузилиши мумкин.

Яширин овоз беришни ташкил қилиш учун ушбу тоифадаги биноларда кўча овоз бериш кабиналаридан фойдаланилади.

Бундай муассасаларда ташкил этилган сайлов участкаларида овоз бериш уларнинг ички тартиб-қоидаларига ҳамда тасдиқланган санитария қоида ва меъёрлари талабларига қатъий амал қилган ҳолда ўтказилади.

Бугунги кунда сайлов участкаларида сайловчилар ўртасида ижтимоий масофа сақлаш учун махсус чизиклар чизилган, тиббиёт ходимлари бириктирилган, улар пирометрлар, химоя ва дезинфекция воситалари билан таъминланган. Бинолар олдиндан дезинфекция қилинади, сайловчи учун овоз бериш биноси санитария талабларига тўла жавоб беради. Бу эса, ушбу ҳудуд ҳар томонлама хавфсиз ва овоз бериш учун қулайлигини билдиради.

Таъкидлаш зарурки, бўлажак сайловда сайловчиларнинг хоҳиш-иродасини эркин ифода этиши ҳамда ўзининг муносиб номзоди учун овоз бериши учун барча шароитлар яратилган. Асосий эътибор сайловчининг савоматлиги муҳофазаси ва сайловнинг демократик тамойилларига оғишмай риоя қилинишига қаратилган.

Зеро, ушбу сайлов орқали халқимиз мустақил Ўзбекистоннинг келгуси тарақиёти кафолатини белгиловчи муҳим қарорни қабул қилади.

Евгений Козяк Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодини кўрсатган сиёсий партияларнинг ҳудудда ўтказаятган тарғибот тадбирлари, аҳоли билан учрашувлари ҳақидаги саволларига ҳам жавоб олди.

Шундан сўнг Нурафшон шаҳрида ташкил этилган сайлов участкаларини бориб кўрди ва участка сайлов комиссиялари раислари билан суҳбатлашди.

Гуличехра ДУРДИЕВА, “Янги Ўзбекистон” мухбири

ТАРАҚҚИЁТ МЕЗОНЛАРИ

ЕВРОБОНДЛАРНИ ЛОНДОН БИРЖАСИГА ЖОЙЛАШТИРИШ ИМКОНИЯТИГА ЭГАМИЗ

► Бошланиши 1-бетда

— Авваллари сув дунёдаги энг арзон табиий ресурс ҳисобланган бўлса, эндиликда энг эҳтиёмманд ва қимматбаҳо неъматга айланиб борапти, — деди Абдуғани Сангинов. — Кейинги йилларда сув товар сифатида халқаро хомашё биржаларида сотувга қўйилаётганлиги ҳам шундан далолат беради. Қолаверса, минтақамизда сув танқислиги билан боғлиқ вазият йилдан-йилга мураккаблашмоқда. Айни чоғда ундан ҳосил бўладиган электр энергиясига бўлган талаб ҳам ортапти.

2017 йил “Ўзбекгидроэнерго” АЖ ташкил этилган пайтда унинг таркибига 36 та гидроэлектр станциясидан иборат 15 та унитар корхона кирган. Ушбу ГЭСларнинг жами қуввати 1856 МВтга тенг бўлган.

Ўзбекистон Президентининг қарори билан тасдиқланган 2017-2021 йилларда гидроэнергетикани янада ривожлантириш дастурига асосан, инновацион лойиҳаларни амалга ошириш орқали 2026 йилга бориб гидроэлектр станцияларнинг умумий қувватини 1,7 баробарга ошириш лозим. Бунинг учун мамлакатимиз ҳудудларида 65 та инвестициявий лойиҳани амалга ошириш, жумладан, 31 та мавжуд кичик гидроэлектр станцияни модернизация қилиш ва табиий сув оқимлари ҳамда сув ҳўжалиги объектларида 34 та янги қувватни қуриш белгилаб берилди. Мазкур лойиҳаларнинг умумий қиймати 3,4 миллиард АҚШ доллари миқдорига бўлиб, уларнинг 48 фоизи хорижий инвестицияларни жалб этиш ҳисобига ишга туширилади.

Дунёдаги энг нуфузли тадиқот марказларидан бири — Оксфорд университети (Буюк Британия)нинг бир гуруҳ етакчи олимлари сўнгги 70 йилда беш қитъа ва 65 мамлакатда қурилган 245 та йирик тўғонни таҳлил қилиб, ҳар тўрт лойиҳанинг учтасини барпо этиш жараёнида уларнинг қиймати қарийб икки баробар ортагини аниқлаган. Масалан, баландлиги 100 метр бўлган тўғонни қуриш, одатда, 50 метрлик шундай иншоотни бунёд этишдан тўрт марта қимматга тушгани қайд этилади.

Шу нуктаи назардан қараганда, мамлакатимизда кичик гидроэлектр станцияларни қуришга асосий эътибор қаратилаётгани, бу хорижий тажрибада ҳам ўзини оқлаётгани, биз тўғри йўлни танлаганимизни кўрсатади.

Зеро, кичик гидроиншоотлар муқобил энергияни ривожлантиришнинг энг самарали йўналишларидан бири. Айниқса, олис масофадаги ва еттиб бориши қийин, узатиш линияларини етказиш имконияти бўлмас жойларда бундай электр станциялар жуда асқотлади.

— Сув таъминотида йирик охиёаёт манбалари билан бир қаторда кичик дарёлар ҳам муҳим ўрин тутади. Мамлакатимизда ишлатиладиган жами дарё сув ресурсларининг 30 фоиздан ортиги улар ҳиссасига тўғри келади. Мазкур “яшил энергия” манбаидан электр қуввати ишлаб чиқариш бўйича амалга оширилаётган лойиҳалар қандай самара берапти?

— 2018 йилда Зомин сув омборида 200 кВт соат қувватга эга микроГЭС, 2019 йилда Туябўғиз сув омбори қошида ишга туширилган кичик ГЭС бу борада амалга оширилган дастлабки лойиҳалардан бўлди. Туябўғиз ГЭСи жуда қисқа фурсатда — ўн тўрт ой давомида

қуриб битказилди. Илгарилари бундай станцияни барпо этиш учун камида уч йил вақт сарфланар эди. ГЭСнинг умумий қуввати 11,4 МВтга тенг бўлиб, ҳар бир жараён “ақлли” электрон қурилмалар томонидан бошқарилади.

Кўп ўтмай Катта Фарғона каналида кичик ГЭСлар каскади ишга тушди. Бу лойиҳанинг умумий қиймати 31 миллион доллар, шундан 22,3 миллион доллари жамиятимиз маблағлари ҳисобидан, қолган қисми эса Хитой Халқ Республикасининг “Эксимбанк”и томонидан молиялаштирилди. Ҳар бир агрегат 6 МВт қувватга эга бўлган бу каскад йилига 72,89 миллион кВт соат электр энергияси етказиб бериш имкониятига эга. Уларнинг турбиналари Хитойнинг “Dongfang Electric” компанияси томонидан ишлаб чиқарилган. Таъкидлаш жоизки, ушбу компания маҳсулотлари дунёнинг ўнлаб мамлакатларида қўлланилади. Турбиналари ресурси 40 йилга мўлжалланган.

Яна бир лойиҳа — Поп тумани Оҳангарон дарёсидаги “Қамчиқ” кичик ГЭСи. 2017 йилда барпо этиш ишлари бошланган ушбу иншоотнинг ўртача қуввати 26,5 МВт бўлиб, йилига қарийб 80 миллион кВт электр энергияси ҳосил қилади. У мураккаблиги жиҳатидан Марказий Осиёда ягона ҳисобланади. Бунинг учун тоғ бағридан узунлиги 3,7 километрлик босимли туннель қазилди. Кичик сув омбори ва ундан оқиб тушадиган обихаётни электрга айлантирадиган иншоотни денгиз сатҳидан анча баландда барпо этишга тўғри келди. Туннелдан ҳар сонияда оқиб келадиган 33 куб метр сув тўртта агрегатни катта босим билан ҳаракатга келтиради ва электр энергияси аҳоли хонадонлари ва ижтимоий-иқтисодий объектлари сари йўлланади.

Жорий йил мустақиллик байрами арафасида мазкур ҳудудда “Чортоқ микро ГЭС” лар каскади ҳам фойдаланишга топширилди. Унга ҳар бирининг қуввати 275 кВт бўлган 3 та агрегат ўрнатилди ва улар томонидан қарийб 3,11 миллион кВт соат электр энергияси ишлаб чиқарилади. Умуман олганда, Наманган вилоятида қурилган учта кичик ГЭС 51 минг нафар аҳолини узлуқсиз электр энергияси билан таъминлаш имконини беради.

Сурхондарё вилоятининг янгидан барпо этилган Туполон дарёсидаги Зарчоп ГЭСлар каскади, Тошкент вилоятидаги “Қамолот” кичик ГЭСлари ҳам ана шундай эзгу мақсадларга хизмат қилади.

“Қамолот” ГЭСининг ўзига хос томони шундаки, унга “капсула” усулидаги гидроагрегатлар ўрнатилган. Бу одатий усулдан фарқли равишда босимсиз сувдан ҳам қувват олиш имконини беради. Иншоотда гидроагрегатлар сувнинг оқими бўйлаб горизонтал жойлашган, бу эса, ўз навбатида, 50 йил давомида таъмирлашга ҳожат қолдирмайди. Бу усулдаги гидроагрегат нафақат Ўзбекистонда, балки Марказий Осиёда илк бор қўлланилмоқда.

— Маълумки, модернизация деган французча сўз ўзбекчага ўғирилганда, энг янги, замонавий, деган маънони беради. Модернизациялаш эса, бирор нарсани янгилаш, уни замонавий талабларга мувофиқ ўзгартириш, деган тушунчани англатади. Бу атаманинг иқтисодийетимиз лўғатидан жой олганига анча бўлганига қарамай, гидротехника соҳасига энди кириб келди. Ўтган қисқа вақтда бу борада қандай ишлар амалга оширилди?

ОБОД

МАНЗИЛЛАРДА

Акбар РАҲМОНОВ,
журналист

Қашқадарёнинг Чироқчи туманидаги Кўкдала қишлоғи ҳалол, танги, меҳнаткаш, жайдари ва самимий одамлари, ориятли, кураги ер кўрмаган поликарлари, уста дехқонлари ва чорвадорлари, эрталаб тарвузлари билан машхур. Бу қишлоқда йил бошида бўлган киши бугун қайтиб борса, бекиёс ўзгаришлардан ҳайратда қолмасдан иложи йўқ. Боиси, Президентнинг 2021 йил 2 апрелдаги “Обод қишлоқ” ва “Обод маҳалла” дастурларини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори ижросини таъминлаш мақсадида “Кўкдала” маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудида ҳам кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда. Айни пайтда маҳаллани обод масканга айлантириш мақсадида иш қизғин.

Эртакка айланган лой кўчалар...

“Обод маҳалла” дастури доирасида маҳалла ички автомобиль йўлларини таъмирлаш мақсадида 1 миллиард 807 миллион сўмлик иш бажариш кўзда тутилган эди. Шу асосда ҳудудда 17 километр йўлга асфальт, 13 километр



— “Ўзбекгидроэнерго” АЖ ташкил этилган пайтда унинг таркибидаги гидроэлектр станциясининг аксарияти ўз умрини ўтаб бўлган, “эскини ямагунча, эсинг кетади”, қабилида ишлаб турган эди. Мисол учун, Тошкент шаҳри яқинидаги “Қодирия ГЭСлар каскади” унитар корхонаси таркибидаги учинчи иншоотни олайлик. Қарийб 85 йилдан бўён фаолият кўрсатаётган станциянинг 4 та агрегати ўз ишлаш қуввати самарадорлигини йўқотиб, тубдан таъмирга муҳтож бўлиб қолган эди.

Ушбу объектни модернизация қилиш бўйича қабул қилинган тегишли қарорга кўра, 2017 йилнинг декабрь ойида қурилиш-монтаж ишлари бошланди. Икки ярим йил мобайнида бу ерда техник қурилмаларни йиғиш ва ўрнатиш, эҳтиёт қисмларни бутлаш юмушлари олиб борилди. Лойиҳалаш ишлари “Гидропроект” АЖнинг малакали мутахассислари томонидан амалга оширилди.

2020 йилнинг июль ойи охирида модернизация ишлари якунланганидан сўнг, у замонавий талаблар асосида тубдан янгиланди. ГЭСнинг умумий қуввати 15,34 МВт га етказилди. Унинг йиллик ўртача электр энергияси ишлаб чиқариш кўрсаткичи 124 миллион кВт соатни ташкил этди.

2017-2021 йиллар давомида “Шаҳрихон ГЭСлар каскади” унитар корхонасига қарашли 2 та қувват, “Қодирия ГЭСлар каскади” таркибидаги ГЭС-3, “Қуйи Бўзсув ГЭСлар каскади”нинг ГЭС-14 ва “Тошкент ГЭСлар каскади”даги ГЭС-9 сингари иншоотларда ҳам модернизациялаш ишлари муваффақиятли амалга оширилди. Пировардида уларнинг ишлаб чиқариш қуввати ошди, электротехник, гидромеханик ва гидротехник қурилмаларининг ишончли ишлаши таъминланди.

— Кичик қувватли гидроиншоотлар билан бир қаторда йирик ГЭСларни модернизация қилиш ва янгиларини қуриш борасида қандай лойиҳалар устида иш кетаяпти?

— Фарҳод ГЭСининг қурилиши Иккинчи жаҳон урушининг энг оғир даврида — 1943 йил 10 февралда оммавий ҳашар йўли билан бошланган ва 1951 йилда тўлиқ ишга туширилган. Мазкур станция нафақат Ўзбекистон, балки минтақадаги энг йирик гидроиншоотлардан бири сифатида ўн минглаб

аҳолининг электр энергиясига бўлган талабини қондириб келди. Лекин ўтган 70 йил мобайнида технологик жиҳатдан эскириб, бугунги кун талабларига жавоб беролмай қолди.

“Ўзбекгидроэнерго” АЖ 2017 йилнинг 12 декабрида Россиянинг “Силовие машины” компанияси билан “Фарход ГЭС модернизацияси” бўйича 69,7 миллион доллар қийматдаги шартномани имзолади ва бугунги кунда мазкур объектда сўнгги синов-созлаш ишлари ниҳоясига етказилмоқда. Лойиҳага мувофиқ, тўртта агрегат янгиланганидан кейин уларнинг қуввати аввалгига қараганда 13 МВт ортиб, умумий 127 МВтга етказилади. Яна бир йирик, қиймати 798 миллион доллар бўлган стратегик аҳамиятга молик лойиҳа — Пском ГЭСининг қурилиш ишлари қизғин кетаяпти. Унинг электр энергия ишлаб чиқариш салоҳияти 404 МВтни ташкил этади. Бу эса, соҳадаги йирик объектлардан бири бўлишини англатади. Ушбу ГЭС йилига 900 миллион кВт соат электр энергияси ишлаб чиқаради. ГЭС қурилиши 2024 йилда якунланиши кўзда тутилган. Ҳисоб-китобларга кўра, унда ҳосил қилинадиган электр энергияси йилига 330 миллион куб метр табиий газ ёқилгиси иқтисод қилинишини таъминлайди, шу билан бирга, атмосферага катта ҳажмдаги зарарли моддалар чиқишининг олди олинади.

Пском ГЭС қурилиш натижасида, ушбу ҳудудда яшовчи аҳоли турмуш шароитининг ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан юқсалишига замин яратилади.

Хусусан, олтимишга яқин замонавий коттеж, 100 ўринли ётоқхона, мактаб, боғча, тижорат ва ижтимоий объектлар қурилиб, фойдаланишга топширилади.

Бунёдкорлик ишлари “Қуйи Чотқол” ГЭСда ҳам қизғин тус олган. Унинг қуввати 76 МВтга тенг бўлиб, йиллик ўртача электр энергия ишлаб чиқариш қуввати 282 миллион кВт соатни ташкил этади.

“Ўзбекгидроэнерго” АЖ томонидан йирик ГЭСлар қуриш инвестиция лойиҳасига биноан, Тошкент вилоятида яна бир йирик Мулалалак ГЭСи қурилиши режалаштирилмоқда. Мазкур йирик иншоотни лойиҳалаш ва қуриш ишлари хорижий ҳамкорлар билан узвий ҳамкорликда йўлга қўйилмоқда.

Амалга оширилган ишларни сарҳисоб қиладиган бўлсак, мамлакатимизда 2017 йилгача ГЭСлар сони 36 та бўлса, 2021 йилга келиб 49 тага етди.

— Гидроэнергетикани янада ривожлантириш чора-тадбирлари дастурига биноан, яқин истиқболда яна қандай лойиҳаларни жорий этиш кўзда тутилган?

— Жамиятимиз ва “Гидролойиҳа” институти мутахассислари яқинда мамлакатимиз ҳудудларида микроГЭСлар қурилиши учун истиқболли ҳудудларни ўрганиш ишларини олиб борди. Унинг натижалари янги микроГЭСлар қурилиши учун Андижон, Қашқадарё, Самарқанд ва Фарғона вилоятларида 14 та истиқболли сув оқими участкалари борлигини ва 19 та микроГЭС қуриш мумкинлигини кўрсатди.

Осиё тараққиёт банкнинг грант маблағлари ҳисобига жалб қилинган “Tractabel engineering gmbh” (Германия) компанияси томонидан республиканинг гидроэнергетик салоҳияти бўйича тақлифларини инобатга олиб, асосий режага қўшимча ва ўзгартиришлар киритилиши мўлжалланмоқда.

2018 йилда ЗОМИН СУВ
ОМБОРИДА 200 кВт СОАТ
ҚУВВАТГА ЭГА МИКРОГЭС,
2019 йилда ТУЯБЎҒИЗ СУВ
ОМБОРИ ҚОШИДА ИШГА
ТУШИРИЛГАН КИЧИК ГЭС БУ
БОРАДА АМАЛГА ОШИРИЛГАН
ДАСТЛАБКИ ЛОЙИҲАЛАРДАН
БЎЛДИ. ТУЯБЎҒИЗ ГЭСИ
ЖУДА ҚИСҚА ФУРСАТДА — ЎН
ТЎРТ ОЙ ДАВОМИДА ҚУРИБ
БИТКАЗИЛДИ. ИЛГАРИЛАРИ
БУНДАЙ СТАНЦИЯНИ БАРПО
ЭТИШ УЧУН КАМИДА УЧ
ЙИЛ ВАҚТ САРФЛАНАР ЭДИ.
ГЭСНИНГ УМУМЙ ҚУВВАТИ
11,4 МВТГА ТЕНГ БЎЛИБ,
ҲАР БИР ЖАРАЁН “АҚЛЛИ”
ЭЛЕКТРОН ҚУРИЛМАЛАР
ТОМОНИДАН БОШҚАРИЛАДИ.

Умуман олганда, 2022 йилда қуввати 931,2 МВтга тенг бўлган 15 та, 2023 йилда қуввати 1 002,2 МВтдан иборат 18 та янги инвестициявий лойиҳа устида иш олиб борилиши режалаштирилган.

— Соҳанинг истиқбол салоҳияти трансформация жараёни билан узвий боғлиқ. Шундай экан, бу борада олиб борилаётган ишлар жамият тараққиёти учун қандай имкониятлар эшигини очади?

— Жамиятимизни трансформация қилишда амалга оширилган ишларни оладиган бўлсак, кейинги уч йилда ҳисоб-китобни такомиллаштириш бўйича марказлашган 1С дастури, молиявий ҳисоботларнинг халқаро стандартлари (IFRS) жорий этилганлиги бу борада янги йўллар очилишига замин ҳозирлади. 2020 йилда “PricewaterhouseCoopers” халқаро аудит ташкилотининг “ижобий” хулосаси олинди, Шунингдек, “Fitch Ratings” томонидан “В+” кредит рейтингни берилди.

Мазкур рейтинг даражаси “Ўзбекгидроэнерго” АЖни жаҳон инвестиция бозорларига жозибадорлиги аниқ ва равшан бизнес стратегиясига, шаффоф молиявий ҳисоботларига ва корпоратив бошқарув тизимига эга биринчи ўзбек ишлаб чиқарувчи корхона сифатида танитди. Бу, ўз навбатида, ўз евробондларимизни Лондон фонд биржасига жойлаштириш имкониятини беради.

Жамият “S&P Ratings” томонидан иккинчи халқаро кредит рейтингини олишни ўз олдига мақсад қилиб қўйган. Шу билан бирга, халқаро молия йўналишида “Green Certification” сертификатига эга бўлиш, “IRENA” билан ҳамкорликни йўлга қўйиш, “Green Energy Program” дастурини жорий этиш, Марказий Осиёда биринчи бор “Green sukuk” исломий облигацияларни чиқариш имкониятларини ўрганишни ўз олдимишга вазифа қилиб олганмиз. “Икс-Холдинг” халқаро кўптармоқли IT-гуруҳи билан ҳамкорликда рақамли трансформация дастури ишлаб чиқилди. “McKensy” халқаро консалтинг компаниясини жалб қилиш орқали соҳани трансформация қилиш ишлари давом эттирилади.

Трансформация жараёналарининг амалга оширилиши пировардида истиқболли лойиҳалар асосида юртимиздаги юз минглаб хонадонларни чароғон этишга, кенг аҳоли қатламларининг маиший эҳтиёжларини қондиришга, кўплаб бизнес ва тадбиркорлик субъектларини узлуқсиз кафолатли энергия қуввати билан таъминлашга, янги иш ўринлари яратилишига хизмат қилади.

“Янги Ўзбекистон” муҳбири
Абдурауф ҚОРЖОВОВ
суҳбатлашди.



трансформатор ўрнатиш белгиланган. Умумий лойиҳа қиймати 750 миллион сўмдан ошқ бўлган бу ишларнинг бугун 75 фоизи бажариб бўлинган.

— Маҳалламиз ободлигига кўз тегмасин, — дейди кўкдалалик Жумагул опа Маҳмудова. — Йўлларимиз раво, кўчаларимиз тунда ҳам ойдин, ҳар бир хонадонга ичимлик сув келиб турбди. Газ таъминоти яхши бўлди. Мақтабларимиз, шифохоналаримиз янгидан таъмирланмоқда. Бундай қулайликлардан сўнг шукрона айтмай бўладими?

Ҳар қадамда ўзгаришлар нафаси

Маҳалладаги ижтимоий соҳа объектлари учун ҳам зарур маблағ ажратилган бўлиб, қатор ишлар якунига етай деб қолди. “Кўкдала” маҳалла фуқаролар йиғини раиси Умар Жулбуловнинг айтишича, шу мақсадда жами 7 мил-

“Кўчалар, ойдin кўчалар...”

Маҳаллада электр таъминоти яхшиланаяпти. Чироқчи тумани электр таъминоти корхонаси раҳбари Шерзод Саманов берган маълумотларга кўра, ҳудудда 8,9 километр электр узатиш тармоғини янгидан қуриш ва реконструкция қилиш ҳамда 247 дона янги бетон устун ва 3 та

ИЛМ-ФАН

Мамлакатимиз иқтисодий тараққиётида қишлоқ хўжалиги ва унинг етакчи тармоқларидан бири ҳисобланган пахтачиликнинг ўрни бекиёс. Ушбу соҳада ривожланишнинг истиқболи кўп жиҳатдан ғўза генетикаси, селекцияси ва уруғчилигида эришилган фан ютуқларига боғлиқ. Ҳозирги кундаги долзарб масала селекция тармоқнинг уруғчиликка бўлган муносабати ва унинг энг замонавий услубларини қўллаш йўли билан интенсив хусусиятли навлар яратишнинг вужудга келган яхлит тизимини изчил такомиллаштириб боришдир.

ГЕНЕТИКА ВА СЕЛЕКЦИЯ ЮТУҚЛАРИ



Тилор МУХИДДИНОВ,
Генетика ва ўсимликлар
экспериментал биологияси
институтининг лаборатория
мудир, қишлоқ хўжалиги
фанлари доктори

Ўзбекистон Фанлар академиясининг Генетика ва ўсимликлар экспериментал биологияси институтининг Клейстогам генетикаси лабораториясида давом эттирилаётган хазмогам (очик) ва клейстогам (ёпиқ) гул белгилари генетикаси, селекцияси ва уруғчилик ишлари ноанъанавий усулларга асосланган, мутлақ янги йўналишга қаратилган бўлиб, муайян генетик қонуниятлар механизми яратилишида катта аҳамият касб этмоқда. Ушбу ижодий механизм бу борадаги йўналишнинг фанда маълум бўлмаган жиҳатларини аниқлаб, генетик қонуниятлар механизмининг амалий селекцияда қўллаш йўли билан интенсив хусусиятли навлар яратишнинг мукамал ҳолатдаги оддий, аммо барқарор генетик усуллари ишлаб чиқилишига олиб келди. Шу тариқа генетик тараққиётнинг маҳсули сифатида гул белгиларига асосланган янги селекция йўналишининг пойдевори сифатида фанда генетик йўналишнинг барқарор ҳолати билан боғлиқ бўлган, ёпиқ гул белгисига эга ингичка ва ўрта толали навлар турига мансуб тизмалар — генколлекцияларга асос солинди.

Улардан чаптириш йўли билан очик ва ёпиқ гулли, интенсив хусусиятли оилаларни ажратиш олиш имко-

нияти юзага келди. Ажратиш олинган ушбу оилалар ва тизмалардан қисқа вақт ичида ғўзанинг ёпиқ гул хусусиятига эга бўлган, тезпишар, серҳосил, барги табиий тўқиладиган ингичка толалиларга мансуб, жаҳонда ўхшаши йўқ “Ижод”, “Наво” ва “Клейстогам-1” навлари яратилди.

Тур доирасидаги асосий биологик жараёнларни амалга оширувчи очик гул белгиси ўрта толали пахтачилик билан шуғулланувчи мамлакатлар тадқиқотларида муҳим ўрин тутди. Демак, бу белги очик гулли генетик ҳолатлар учун барқарор хусусиятга эга бўлиб, жаҳон пахтачилигининг асосини ташкил этади.

Бироқ очик гуллар уз моҳияти жиҳатидан четдан чанглиниш хусусиятига эга. Бу ҳолат ирсий ўзга-

яъни барқарор хусусиятга эга бўлади.

Очик гул белгиси ирсият ва ўзгаришчанлиқ туфайли четдан чанглиниш ҳисобига ўсимликни янги белги ва хусусиятлар билан тўлдирса (навнинг софлик даражасига пугур етказди ва ифлосланишига олиб келади), ёпиқ (клеистогам) гул белгиси ирсиятнинг мавжуд асосини бир хил генетик ҳолатда сақлаш имкониятини беради. Демак, генетик ва селекция муаммоларини ўрганишда очик ва ёпиқ гул белгиларини, аввало, уларнинг генетикасини ўрганиш йўли билан амалий селекцияга қўллаш орқали бир қатор муаммоларни ижобий ҳал қилишнинг моддий асоси яратилиб, нусхалар, тизмалар, генколлекциялар ва интенсив хусусиятли навлар ҳосил қилишга асос



рувчанлик қаторида содир бўлгани туфайли уларнинг наводорлик даражасига четдан чанглиниш ҳисобида пугур етказувчи генлар фаолиятига боғлиқ бўлади. Бу эса, танлаш жаҳонда ирсий ўзгаришчанлик туфайли содир бўладиган биологик ифлосланишга олиб келади. Биологик ифлосланиш жараёни содир бўлмаслигига, ўсимликларни соф ҳолда сақлашга мутлақ янги услубларни қўллаш асосида уларни чеғаралаш (ўз-ўзини чанглаш) йўли билан эришиш мумкин.

Эслатиб ўтиш жоизки, чаптиришлар асосидаги очик гул белгиси генетик нишонли бўлиб, ёпиқ гул белгисини биринчи авлодда юзага чиқармайди,



бўлади. Тадқиқотлар натижасида яратилган ғўзанинг “Юсалиш” навининг қимматли хўжалик белгилари шуки, унинг тола чиқими 44,5-45,5 фоиз, тола узунлиги 35-36 мм, солиштирма ҳосилдорлиги гектаридан 42-45 центнерни ташкил этади.

Хулоса ўрнида айтиш жоизки, олимларимиз зиммасида, аввало, халқимиз манфаати ҳамда дунё бозори талабларига жавоб берадиган ғўза навларини яратиш ва уларни амалиётга тўлиқ жорий этишдек улкан вазифа турибди. Бунда “Уруғчилик қонуниятлари тўғрисида”ги ва “Селекция жараёнининг ютуқлари тўғрисида”ги қонунлар дастуруламал бўлиб хизмат қилмоқда.



КЕКСАЛАР ҲАФТАЛИГИ

ЖАМИЯТИМИЗНИНГ ФАЙЗУ ФАРИШТАСИ

Кексаларни эъзозлаш, уларга иззат-ҳурмат кўрсатиш халқимизга хос ғазилат. Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 27 сентябрдаги қарори билан ҳар йили октябрь ойининг биринчи ҳафтаси “Кексалар ҳафталиги” этиб белгилангани бу қадриятимиз қадрини янада оширди. Ҳафталик доирасида жойларда кексалар иштирокида қизиқарли учрашувлар, маънавий-маърифий кечалар ўтказиб келинмоқда.

Бешарик туманидаги “Наби” маҳалла фуқаролар йиғинида кексалик гаштини суриб яшаётган Хосиятхон Сувонқулова ҳам пире бадавлат онахонларимиздан. У кишини йўқлаб келувчилар кўп. Маҳалладаги ёшлар бу хонадонда тез-тез меҳмон бўлиб туришади.

“Кексалар ҳафталиги” муносабати билан ҳудуддаги 31-умумтаълим мактаби ёшлари файзли хонадонда бўлишди. Қизиқарли мулоқотларда онахон босиб ўтган ибратли ҳаёт йўли, яхшилик ғазилатлари ҳақида сўзлаб берди.

— Хосиятхон опа маҳаллаимиз фахри. Солиҳ ва солиҳа фарзанд ва набиранлар тарбиялаб, элга қўшган мўътабар нурунийларимиздан бири, — дейди маҳалла фуқаролар йиғини раиси Тожиҳон Мараммова. — Маҳаллаимизда тўй-ҳашамларни тартибли, ортиқча сарф-харажатларсиз ўтказиш, ёшларни турмушга тайёрлаш, ажримларнинг олдини олишда фаол аъзоларимиздан. У намунали оила бекаси, ташаббускор раҳбар сифатида кўпнинг эътиборини қозонганди. Қадри баланд кексаларимизга суянамиз, панд-насиҳатларига ҳамisha амал қиламиз.

Хосиятхон опа узок йил туман маданият бўлимига қарашли қишлоқ кутубхонасида фаолият юритди. Ёшларни китоб ўқишга қизиқтириш, китобхоналарни қўллаб-қувватлаш, кутубхона фондиди сара китоблар билан бойитиш ишларига бош бўлди. Ҳаётий тажриба, маҳаллада топган обрў-эътибори туфайли уни маҳалла фуқаролар йиғинида ишлашга тахлиф этишди. Дастлаб “Қоражийда” маҳалла фуқаролар йиғинида педагог-тарбиячи, фуқаролар йиғини раисининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчи, “Наби” маҳалла фуқаролар йиғини раиси вазифаларида самарали меҳнат қилди, изланди. У қаерда, қайси вазифада ишлаган, — дейди маҳалла фуқаролар йиғини раиси Тожиҳон Мараммова. — Маҳаллаимизда тўй-ҳашамларни тартибли, ортиқча сарф-харажатларсиз ўтказиш, ёшларни турмушга тайёрлаш, ажримларнинг олдини олишда фаол аъзоларимиздан. У намунали оила бекаси, ташаббускор раҳбар сифатида кўпнинг эътиборини қозонганди. Қадри баланд кексаларимизга суянамиз, панд-насиҳатларига ҳамisha амал қиламиз.

Хосиятхон ая турмуш ўртоғи Сайфиддин ака билан икки ўғилни воғая етказди. Ҳозир кўплаб набираларнинг бува ва бувижониси бўлиб ҳаёт

қувончларига ошуфта умр кечирмоқда.

Кексалик бекорчилик эмас. Хосиятхон ая хонадонида оилавий кутубхона ташкил этиш мақсадида сара китобларни жамлаш, рўйхатини шакллантириш, китобхона оилалар, ёшларни китоб масканига чорлаш ишларига бош бўлмоқда.

— Китобдан яхши дўст йўқ. Китоб — инсон тафаккурининг хазинаси, — дейди Хосиятхон ая китоб жавонидида сара китобларни қўлига олиб. — Маҳаллаимизда китобхона оилалар кўп. Шу боис, жиноятчилик, оилавий ажрим сингари салбий кўринишлар барҳам топмоқда. Остона ҳатлаб йўқлаб келувчиларни қўриб қувонаман. Юртимиз тинч, осмонимиз мусаффо бўлаверсин.

Фарғона вилоятида 364 минг 200 нафардан зиёд нуруний отахон ва онахон умргузаронлик қилиб келади. Улар ҳамisha кўпнинг эътибори ва эъзозиди. Ҳафалик давомидида барча кексалар, яқна-ёлғизлар ҳолидан хабар олинди, моддий, маънавий ёрдам кўрсатилди. Ҳар бир маҳаллада “Бир пиёла чой устида ширин суҳбатлар”, “Дийдор ширин” мавзуларида қизиқарли тадбирлар ўтказилди. “Қўша қарши саодати” мавзусида 50, 60, 70 йил биргаликда умр кечириб, ҳаёт гаштини сураётган нурунийларнинг ибратли ҳаётини ёш авлодга тарғиб этиш мақсадида табарруқ хонадонларга ёш оилаларнинг ташрифлари уюштирилмоқда.

Расулжон КАМОЛОВ,
“Янги Ўзбекистон”
муҳбири

ОЛИЙ ТАЪЛИМ

ОЛДИМИЗГА КАТТА МАРРАЛАРНИ ҚЎЙДИК

Ахмед РЕЙМОВ,
Бердақ номидаги Қорақалпоқ давлат университети ректори,
техника фанлари доктори, профессор

Ҳар қандай жамиятни қудратли, миллатни эса улуғ қилувчи куч илм-фан, таълим-тарбиядир. Бугунги кунда олий таълим соҳасида асосий эътибор, аввало, талабаларга қабул қилиш қамровини янада кенгайтириш, жаҳон стандартларига мос кадрларни тайёрлаш, институт ва университетлар имкониятларини ошириш ҳамда профессор-ўқитувчиларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга қаратилмоқда.

Юртимизда таълим соҳасини тубдан янгилаш, халқаро стандартларга интеграциялаш, шунингдек, меҳнат бозори талабларига жавоб берадиган юксак салоҳиятга эга мутахассис кадрларни тайёрлаш юзасидан ҳаётда татбиқ этилаётган ислохотлар алоҳида аҳамиятга эга.

Шу йил 16 июнь куни олий таълим тизимидаги устувор вазифаларга бағишлаб ўтказилган видеоселектор йиғилишида олий ўқув юртиларида таълим ва бошқариш жараёнини тўлиқ рақамлаштириш зарурлиги алоҳида таъкидланди. Тизимдаги раҳбарларга барча куч ва ресурсларни асосан



тўртта долзарб вазифага қаратиш юзасидан курсатмалар берилди. Бердақ номидаги Қорақалпоқ давлат университети кенгаши, факультет деканлари, кафедра мудирлари, профессор-ўқитувчилар иштирокида видеоселекторда қайд этилган масалалар ҳар томонлама муҳокама қилинди. Олдимизга жуда катта марраларни қўйдик.

Биринчидан, мавжуд кафедра-ларнинг барча йўналишлар бўйича фаолияти танқидий нуқтаи назардан ўрганилмоқда. Ҳар бир кафедранинг таркибий тузилиши, айниқса, кафедра мудирларнинг компетенциясига алоҳида урғу берилмоқда. Бундан ташқари, илмий-тадқиқот ишларининг самарадорлигини ошириш, замонавий менежмент талаблари асосида ташкил этиш, илмий фаолият ҳисобидан келиб тушадиган маблағларни шу йил охирига қадар 10 миллиард сўмга етказишни ўз олдимизга вазифа сифатида белгилаб олдик.

Иккинчидан, таълим жараёнини бозор талабларига мослаштириб, ишлаб чиқариш билан интеграциясини таъминлаш ҳамда талабаларнинг мустақил фаолият юритиши учун шарт-шароитлар яратиш юзасидан муайян ишлар режалаштирилди. Жумладан, талабаларни қаерга ишга юбориш, бунинг учун кадрлар буюртмачилари билан ўн йиллик шартномага эга бўлиш кераклиги вазифаси қўйилди. Мазкур вазифани бажариш учун, аввало, талабаларнинг амалиёти, ўқув дастури, амалиёт объектлари билан тузиладиган ҳамкорлик шартномаларини қайта қўриб чиқиш зарурати юзага келмоқда.

Ўқув дастурларида амалиётга ажратилган соатларни ошириш, талабаларнинг келгусида иш билан таъминланишини назарда тутуви, университет ва ишлаб чиқариш корхоналари учун ўзаро тенг манфаат келтирувчи механизмлар яратиш талаб этилмоқда.

Мана шундай корхоналар билан стратегик шартномаларни амалга оширишда, энг аввало, мазкур масалалар ечимини диққатимиз марказида тутишимиз зарур. Бунинг учун кафедра-лар муайян соҳа бўйича ҳудудда ҳақиқий локомотив сифатида ўзини кўрсата олиши, кафедра-ларда моҳир услубитчилар фаолият олиб бориши зарур.

Учинчидан, университет ўқув жараёни ва илмий-тадқиқот фаолияти бўйича кафедра-ларнинг ҳар бири камида иккита нуфузли чет эл олий таълим муассасасининг кафедра-лари билан ҳамкорлик ўрнатиши бўйича иш олиб борилмоқда. Ҳар йили кафедра-лардан камида бир нафар профессор-ўқитувчининг чет элда малака оширишга юбориш юзасидан тавсиялар берилди. Кафедраларда халқаро базалардан маълумот олиш, Scopus, Web of Science, Elsevier, Springer базаларидан фойдаланиш юзасидан жиддий қадамлар қўйилмоқда.


Тўртинчидан, профессор-ўқитувчилар ва талабалар учун қўғозбозлиқни қамайтириш, соҳани рақамлаштириш орқали бюрократия ва коррупцияни бартараф этиш вазифасидан келиб чиқиб, соҳани рақамлаштириш ишлари қайта қўриб чиқилмоқда. Илмий-тадқиқотлардаги плагиатлик билан боғлиқ ҳолатларни аниқловчи фирмалар билан шартномалар тузиш юзасидан амалий ишлар йўлга қўйилмоқда.

Университетда ўқув, илмий, маънавий-маърифий соҳаларда олиб борилаётган ишлар натижаларини ижтимоий тармоқларда тарғиб қилиш юзасидан янги вазифалар белгилаб олинди. Ҳозир муассасамизда олиб борилаётган ишларни ижтимоий тармоқларда кенг тарғиб қилиш бўйича университетнинг расмий веб-сайтга журналистика кафедрасининг тажрибали профессор-ўқитувчилари масъул этиб бириктирилган.

Олий таълим муассасаларига академик ва ташкилий-бошқарув юзасидан мустақил қарор қабул қилиш ваколатининг берилиши муаммолар ечимига қаратилган энг тўғри йўл ҳисобланади. Чунки бундан кейин ўқув режалари ва адабиётлар, ўқув дастурларини тайёрлаш, профессор-ўқитувчиларнинг ўқув юкламлари ҳамда таълим шаклларини белгилаш масалалари олий таълим муассасаси бошқарув кенгаши ҳал қилади.

Олий таълим муассасаларининг илмий салоҳияти масаласига алоҳида эътибор қаратилар экан, бу йўналишда кейинги йилдан докторантурага квоталар сонини икки бараварга ошириш, ундан кейинги йилларда ҳар йили 50 фоизга ошириб бориш назарда тутилмоқда. Бунинг учун ҳар йили бюджетдан қўшимча 100 миллиард сўм, ҳар бир тармоқ ўз соҳасига тегишли олий ўқув юрти-ларига докторантлар квоталари учун яна 100 миллиард сўм ажратиши мамлакатимиз илм-фанининг янада ривожланиши йўлидаги ишончли қадам бўлди.

Мухтасар қилиб айтганда, олий таълим мамлакатнинг эртанги кунини белгилаб берадиган, ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларини ривожлантиришда ҳал қилувчи вазифани бажарувчи асосий омил ҳисобланади. Жамиятда олий маълумотга эга, салоҳиятли мутахассислар қанча кўп бўлса, тараққиёт шунчалик тез ва самарадор бўлади. Таълим сифати ошса, ҳар бир соҳада ўзгариш, тараққиёт кузатилади.





ХУНАР — ЗАР

СОМОНДАН ЯРАЛГАН МЎЪЖИЗА

Меҳнат ортидан топилган ризқ-насиба ҳамиша тотли бўлади. Хунар ошатар, меҳнат яшнатар, дейди халқимиз. У инсонни тарбиялашга, жисмонан тегик қилишга ҳам ҳисса қўшади. Ён атрофимизда шундай одамлар борки, улар хунари сабаб қўллаб қийинчилкларни енгиб ўтган. Қўли меҳнатда бўлгани боис, тақдирнинг кутилмаган “туҳфалари” уларнинг иродасини бука олмаган.

Бўстонлиқ туманининг Сижжак қишлоғида туғилган Жасур Жумаев тенгқурлари билан кўчаларни тўлдириб ўйнаб юрган бола эди. Ўн уч ёшида белидаги асаб томирлари шомоллаши оқибатида оёқлари ишламай, ногиронлик арава-часига ўтириб қолди. Вақтни беҳуда кетказиш-ни истамаган Жасур сомон санъати сирларини ўргана бошлади. Баъзан уни ишончсизлик қай-фийти камраб оларди. Аммо шундай кезларда хунарга чалғиса, тушкунликни енгиб ўтарди. Англадики, меҳнат билан машғул бўлиш унинг руҳиятини тарбияляпти.

Ўзига хос анъана ва бетакрор услуб билан қадимий тарихни, бугунги кунимизни тасвирлаган ўзбек амалий санъатининг гўзал намуналаридан бири бўлган сомон санъати асарлари халқимиз ҳамда чет эллик сайёҳларнинг эътиборини тортиб келмоқда. Қадимда сарой ички қисмини безаш учун ишлатилган мазкур аппликация бугунги кунда замонавий мавзу ва техникалар билан бойимоқда. Сомон орқали нақш берилган буюмлар киши кўзини қувнатади.



Мана шундай хунар сирларини матонат билан ўрганаётган Жасур олий маълумотга эга бўлишга интилиб, Камолитдин Беҳзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн институтига ўқишга кирди. Кейинчалик магистратура босқичида ҳам тахсил олди. Бугунги кунда хунаремдлик билан бир қаторда ўзи тахсил олган институтда талабаларга таълим бермоқда.

— Ўзбек амалий санъати кенг ва ранг-баранг бўлгани учун ҳам кишига эстетик завқ беради, — дейди Жасур Жумаев. — Хунар инсон орзу қилган қирраларни қўриш имконини яратади. Сомондан бирор асар яратаётганимда ўз орзуларимни тасвирлашга уринаман. Оддий похоллоядан санъат намуналарини яратиш мурракб жараён. Бу учун нозик амалларни бажариш зарур. Териб келинган ёввойи жавдар сомони сувда ивителилади. Муайян вақт ўтгач, ўртасидан кесиб ёйилиб, дазмолланади. Шундан сўнг яратилажак композиция учун керакли шаклда кесилади.

Жасур давлатимиз рамзлари, эртак қаҳрамонлари образи, гўзал тарихий обидаларимиз, табиат манзаралари тасвирини юқори дид билан яратган. Унинг таъкидлашича, мазкур санъат билан шуғулланган ёшларда чидам, қатъиятlilik, тиришқоқлик хислатларини шакллантиради.

Хунаремд ўзи яратган асарлари билан юртимиз ва халқаро микёсда ўтказилаётган фестивал, танлов ва кўргазмаларда фаол иштирок этиб, ютуқларга эришиб келмоқда. Шоғирдлари ҳам талайгина.


Вақтдан унумли фойдаланаётган қаҳрамонимиз ўзини имконияти чекланган деб ҳисобламайди. Шу боис, бўш вақт толдим дегунча, сомондан мўъжиза яратишга интилади. Ана шундай шижоат, ғайрат ва тинимсиз меҳнатининг самарасида унинг ижодий ишлари хорижий кўргазмаларда ҳам юксак баҳоланди. “Жасорат” медали соҳиби Жасур Жумаев хунаремдлик ишларини ҳақиқий санъат даражасига олиб чиқиб, уни янада ривожлантираётган усталардан бирига айланди.

— Болалигимда тоққа сайр қилиш учун чиққанман, — дейди Жасур. — Шунда тўсатдан оёқларим ишламай қолган. 10-15 дақиқа аввал юриб турган одам учун бу жуда аянчли ҳол экан. Кўникишга қийналганман. Аммо кузатсам, ота-онам менга қараб, сўлиб борапти. Уларни мана шу ҳолатдан олиб чиқиш учун интиланман. Мен яхши ўқисам, яхши натижаларга эришсам, улар имкониятларим чекланганини ҳис қилишмайди, деб ҳисоблаганман. Ота-онам-ни юзюда ишонч ва қувончни қўриш учун ҳаракат қилганман. Коллежда ўқиб юрган кезларим отамнинг дўсти Владимир Фотиннинг маслаҳати ва ёрдами билан сомон санъати сирларини ўргана бошладим. Қўллаб халқаро кўргазмаларда иштирок этиш баробарида имконияти чекланган ёшларни амалий санъатга жалб қилиш, уларнинг ижодий имкониятларини ошириш бўйича маърузалар ва маҳорат дарсларини ташкил этдим. Асосий мақсадим эса мен сингари ёшларни санъат орқали ижтимоий ҳаётга мослаштириш эди. Чет элликлар халқимизни меҳнаткаш дея таърифлашади. Хурсанд бўламан. Дунёнинг қай бир мамлакатига бўлмай, албатта, улар кўргазмамдан сўнг Ўзбекистонга ташриф буюриш истаги туғилганини айтишади. Бизнинг бой маънавий меросимиздан баҳраманд бўлмоқчи экани уларнинг юз-кўзларидан билиниб туради.

Жасур Бароқхон мадрасасидаги ижодий устaxonасида шоғирдларига соҳа сирларини ўргатиб келмоқда. Уларнинг камолотида ўз тақдирини кўради, интилувчанлиги, сабр-матонати билан ўрнак бўлади. Ўқувчиларининг аксарияти ўз фаолиятини алоҳида йўлга қўйиб, ижодий ишлари билан дунё кезиб, ўзбек амалий санъатининг доврўгини оламга ёймоқда. Айниқса, имконияти чекланган ёшларни жамиятга мослаштириш, уларнинг фаоллигини ошириш мақсадида ноанъанавий тарзда ташкил қилаётган маҳорат дарсларига қатнашаётганлар ҳам ўзлари мустақил равишда сомон билан ишлаб, ҳаётга бўлган ўлимди ортаётгани катта ютуқ. Бу жонқуяр устознинг инклизив “санъат терапия”си ўз натижаларини бераётганидан далолат.

Нозик дид билан ишланган бирор санъат асарини кўрганда бениҳоя қувонамиз, кўнглимиз ёришади. Бундай хунарининг яна бир жиҳати борки, у кишини жамиятда ўз ўрнини топишга, мақсади сари интилиб, ҳаётдан завқланиб яашага ундайди. Меҳнатидан роҳатланиб, уни бошқаларга ҳам ўргатиб, жамиятга наф келтирган инсон эса ўзини ҳамиша бахтлилар қаторида кўради.

Феруза ЖЎРАЕВА,
“Янги Ўзбекистон” мухбири



Ориф ТЎХТАШ,
Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси
аъзоси, шоир, “Ўзбекистон МЭТ” АЖ
бошқаруви раиси маслаҳатчиси

Мен бу тил ҳақида тил учида гапиролмайман!

Гар ўшандоқ гапирсам онам хафа бўлади-гандай. Чунки мен айнан мана шу тилда ором-бахш аллалар тинглаб улғайдим! Бу мўътабар қўшиқ сўзлари майин оҳанг оғушида ҳар зарра қонимга доврў сингиб, сўрилиб кетган. Ажаб эмаски, онажонимнинг юраги остида митти ву-жуд бўла туриб ҳам ташқи муҳитдан таралаётган туркий товушларни таниб ва танлаб ётган бўлсам?!

Бу сўзларим кимлар учундир эриш туюлиши ҳам мумкин. Чунки тегра-атрофимизда фақат паспорт маълумотларидагина ўзбек дея қайд этилган, аммо бегона тилларда бийрон сўзлаб, ўз она тилини унутаёзганлар ҳам оз эмас. Баъзида кўча-кўйда қўпоққа чалинган суҳбатларни эшитиб: “Хайриятки, мустақилликка эришиб-миз, мабодо яна бирор ўн йил кечикканимизда борми...”, дея ўзим билан ўзим бахсга киришиб кетаман.

Негалигини билмадим-у, лекин мен юрт ҳақида, миллат ҳақида ва, албатта, тил ҳақида гапирганимда эҳтиросга бериламан. Бу мавзуларни эҳтироссиз гапириб бўлмасам ҳам керак аслида. Масалан, педагогика фанлари доктори, профессор Қозоқбой Йўлдошевнинг “Тил — миллий рух учун асосий кўрган” сарлавҳаси билан газеталаримиздан бирида босилган мақоласини айнан шундай қуюн-чақлик билан ёзилган, дейиш мумкин. Унда келтирилган бир оғиз сўз менинг юрагимни “парчалади”, десам ишонаверинг! “Компьютер валийлари томонидан шу асрининг охирига бориб йўқолиб кетиши башорат қилинган ўттизта миллий тил орасида бизнинг неча минг йиллик тарихга эга она тилимиз ҳам кўрсатилгани ушбу мақолада нолиш оҳангининг бироз кучайишига сабаб бўлди”, дейди муаллиф. Мен учун ушбу сўзларнинг ким томонидан эътироф қилинаётгани муҳим эмас, балки бу башоратда ҳам жон бордир, аммо ҳар не ҳолатнинг юз беришида ҳаммамизнинг иштирокимиз мавжудлигини унутмаслигимиз керак.

Баъзи бировларга “Ўз она тилимизга ҳурматда бўлайлик, имкони борича соф ўзбекча суҳбатлашайлик”, деб айтсанг, “Нима бўлти, қориштириб гапирсак ҳам бир-биримизни тушунсак бўлди-да, тилчи бўлмасак, шоир бўлмасак...”, деган иддаосига дуч келамиз. Миллат ва тил тақдирига бефарқ бўлмаслик учун айнан шорт ёки тилшунос бўлиш шартмикин?! Бундай жавобни бериб турганларни ким деб аташга ҳам ҳайрон қоласан, киши. Уларга нисбатан яна муҳтарам олимимизнинг аччиқ сўзларини йўллашдан бошқа чўра қолмайди: “Ўз уйингда, ўз юртингда, ўз миллатинг тилини олдинга суришини истамайсан экан, демек сен кимникидирсан. Ўзбекники эмассан!..”

Илк дадил қадамнинг давоми

Бундан роппа-роса 32 йил муқаддам, яъни 1989 йил 21 октябрда “Давлат тили ҳақида”-ги қонун қабул қилинган эди. Бу қонунни, ҳеч шубҳасиз, халқимизнинг мустақиллик учун қўйилган дастлабки ва дадил қадами дейиш мумкин. Яратган Эгамдан сўраганимиз бор экан, мустақилликка ҳам эришдик! Аммо ўтган йиллар мобайнида гоҳ иқтисодий, гоҳ ижтимоий масалаларнинг кўндаланг келиши она тилига бўлган эҳтиромнинг бироз четга сурилишига сабаб бўлди. Шундай бўлса-да, янги алифбони жорий этиш, уни такомиллаштириш масалалари кун тартибига бот-бот чиқиб тургани ҳам бор гап.

Аммо қайд этиш керак, ўзбек тилига давлат тили мақоми берилганига 30 йил тўлиши муносабати билан Ўзбекистон Президентининг 2019 йил 21 октябрдаги “Ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузи ва мавқеини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ҳамда 2020 йил 20 октябрдаги “Мамлакатимизда ўзбек тилини янада ривожлантириш ва тил сиёсатини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармонлари мазкур масаладаги барча ишларимизга қўламдорлик бахш этди. Мазкур муҳим ҳужжатлар асосида мамлакатимиздаги барча ташкилотларда маънавий-маърифий ишлар самардорлигини ошириш, давлат тили тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилишини таъминлаш масалалари бўйича маслаҳатчи лавозими жорий қилинди. Бу эса, албатта, турли тизимларда давлат тилида иш юритиш жараёнидаги мавжуд мурракбликларнинг олдини олади.

Ҳозир мен ҳам “Ўзбекистон миллий электр тармоқлари” акциядорлик жамиятида маслаҳатчи сифатида фаолият юритяпман. Тан олиб айтиш керакки, узоқ йиллар ёппасига “умумтил” дея эътироф қилинган ва шу асосда иш олиб борилган энергетика тизимларида кўқиксиздан давлат тилини татбиқ этиб бошлаш, табиийки, осон кечмайди. Шу десангиз, хали-хануз рус тилида берилган номлар “яшаб келмоқда”. Бу эса келгусида қилинадиган ишларимизнинг анча мўл эканини кўрсатиб турибди.

Асосий байрамларимиздан бири

Биз нишонлайдиган яхшилик кунлари, байрамлари кўп халқимиз. Айниқса, она табиат билан уйғунлашиб кетган муҳим саналаримиз борки, бу ҳам элимиз ва тилимизнинг нечоғли қадимийлигидан далил ташийди.

Нихоят, 2020 йил 10 апрелда “Ўзбек тили байрами кунини белгилаш тўғрисида”ги қонуннинг қабул қилиниши бутун халқимиз учун қувонарли ҳол бўлди, десам муболага эмас. Ушбу қонун билан ҳар йили 21 октябрни Ўзбек тили байрами куни сифатида кенг нишонлаш белгиланди. Эндигилда бу сана бутун юртимиз бўйлаб катта шодиёна тарзида қаршиланади. Бу байрамни мен кадр бобида мустақиллик байрамидан кейин турадиган шодиёна кун ҳисоблагим келади. Зеро, бутун дунё халқлари учун ўз она тили миллий-маданий ўзақ демакдир. Тилга биргина мулоқот манбаи сифатида қараш жоҳилликдан бошқа нарса эмас, назаримда. Шундай экан, тилнинг соғлигини сақлаган ҳолда, ёш авлодга етказилиши халқ тараққиёти ва унинг ёрқин келажагини белгилаб берувчи омиллардан биридир.

Отаниз олиб берган “улов”

Бизнинг табиатимизда нима учундир анчайин зориқиш ё зўриқишлар эвазига қўлга қайритилган неъматларга нисбатан эъзога ва эътиборимиз ўзгачароқ бўлиб келган. Қолган нарсаларни бироз назардан четроққа суриб қўямиз. Менимча, тил масаласи ҳам айнан мана шу “суриб қўйилган”лар сафида қолиб ётибди. Чунки ҳеч биримиз она тилимизни ҳимоя қилиш борасида ҳеч қандай жонбозлик кўрсатмадик, янаям тўғрироғи, бунга катта эҳтиёж сезилгани ҳам йўқ. Ахир ўз ватанимизда эмин-эркин яшаб келмоқдамиз, дастуруримиз — тўкин, уст-бошимиз — бут, ҳуқуқимиз — ўз қўлимизда.

Унасангиз, она тилимизга ҳар биримизнинг шахсий муносабатимизни кўзда тутиб, бир сўз айтаман.

Кўча-кўйда машинасини маҳмадонларча бошқариб кетаётган ёш-яланларга қарата “Бу бола отасининг пулига келган ул овда кет-япти шекилли, ўзининг бели оғриб топмагани билиниб турибди”, дейилади. Айнан мана шу муқояса бугунги ҳолимизга ҳам шарҳдир аслида. Бу юртнинг ҳақиқий юрт бўлиши учун, халқини тобеллик ботқонидан олиб чиқиш учун не-не қурбонлар берилмаган дейсиз?! Мол-дунё илинжида нафси ҳақалак отиб, кўзлари қонга тўлиб, бостириб келган ёғийларга қарши не бир қирғинбарот жанглارнинг шохиди бу тупроқ. Минг афсуски, бу эртанамо саҳналар аксариятимиз учун кино тасмаларидаги шунчаки бир ёзиқ сингаридир. Юқоридаги сўзимизга улаб айтадиган бўлсак, ота-боболаримиз олиб берган “уловни гижинглаб юрибмиз”. Бунга эришмоқ ортидаги заҳмат ва машаққатларни ўйлашга кўпчилигимизда “вақт етмайди”, чунки шо-иш турибмиз, бундан-да муҳимроқ ишлар кутаяпти, шундай эмасми?!

Бу кесатиқамо гапларни айтишдан мақсад битта, у ҳам бўлса, жамоатчиликини бироз миллатпарварликка, элпарварлик ва тилпарварликка чорлашдир. Мен шу фикрни қомил ишонч билан айта оламани, агар қалбимизда ЭГАЛИК ҲИССИ ва МИЛЛИЙ ҒУРУР ТУЙҒУ-СИНИ пайдо қила олмас эканмиз, орзуларимиз орзулигича қолаверади.

Ўзликни таниб, уйғониш

Учинчи Ренессанс — УЙҒОНИШ даврини бошлаб бериш сизу бизнинг чекимизга тушган, азиз замондош! Бу тушунча қайтадан туғилмоқ, янгиланиш ва эврилиш деган маъноларда бўй кўрсатади. Биз эса шу юксак тушунчаларга пойдевор яратмоғимиз, ёш авлод қадамларига елка тутмоғимиз керак. Бунинг учун, аввало, ўзимизни, ўзгилгимизни чўқур ҳис қилишимиз талаб этилади. Олтин ҳалқалардан иборат УТМИШ — БУГУН — КЕЛАЖАК занжирининг узвийлиги ва мустақамлiligини таъминлаш осон кечмаслиги тайин.

Бундай улугвор мақсад сари мардона қадам ташлаш, аввало, Ватанга муҳаббат, миллий ифтихор, ажодларга ҳурмат ва шунинг баробарида авлодларимизга иззат рамзи бўлган она тилимизга эҳтиром кўрсатишдан бошланади. Қолаверса, ўз тилини асраб-авайлаган халқ ўзлигини ҳам асраб-авайлайди, кун сайин юксалиб боради!

Ватан — она бўлса

Яратганининг инояти-ла,
Туғилгандир ҳар битта гўдак.
Ва кўксиде, айтишларича —
Урар экан бемиллат юрак!

Унда ҳали тил йўқ сўзлашга,
Ингранди гоҳи безабон.
Соч толадек томирларида
Оқар фақат бобомерос қон.

Туғилибоқ ёруғ дунёнинг
Нурларидан қамашиб кўзи.
Онасининг қайноқ бағридан
Паноҳ излаб топади ўзи.

Томир отар эгалик ҳисси —
Эмар экан меҳр ва оқ сунт.
Шу лаҳзадан боргайдир ўсиб —
Юрагиде ватаний мақсуд.

Ва бошланар ширин бир хониш,
Қилирқали туташган палла.
Бошлаб берар мурғак уйғониш —
Ухлатмоққа айтилган алла.

Она тилда она тилидан —
Юрагига қўшиқ қуийлар.
Энди унинг тасаввурида
Ҳаёт ҳикмат бўлиб туюлар.

Юрт ишқига юрагинг тўлса,
Тупроғини ўпиб, таовоф қил.
Ўзбекистон онамиз бўлса —
Оқ сутидир ўзбекона тил!

“Янги Ўзбекистон” ва “Правда Востока” газеталари тахририяти) ДУК

МУАССИС:
Ўзбекистон Республикаси
Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир:
Салим ДОНИЁРОВ

Девонхона: (0-371) 233-70-98 Котибият: (0-371) 233-56-60

Тахририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.
Газета тахририят компьютер марказида саҳифаланди.
Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “KOLORPAK” МЧЖ масъул.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 13 январда 1047-рақам билан рўйхатга олинган.
Нашр индекси — 236. Буюртма — 3309.
76222 нусхада босилди.
Ҳажми — 3 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А2. Баҳоси келишилган нархда.

“KOLORPAK” МЧЖ босмахонасида чоп этилди.
Босмахона маънази: Ўзбекистон, 100060.
Тошкент, Янги шаҳар кўчаси, 1-А уй.
Босмахона телефон: (78) 129-29-29

Навбатчи муҳаррир: Шаҳзод Ғафоров
Мусахҳиш: Малохат Мингбоева
Дизайнер: Зафар Рўзиев

Манзилимиз:
100029, Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй

ЎЗА яқуни — 01:25 Топирилди — 02:35